# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда **№ 46** (1121), 2017 йил 16 ноябрь


## Кенг қамровли ҳамкорлик сари

**Ўзбекистон банклари Ассоциациясида мамлакатимизда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЕТТБ) ваколатхонаси очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.**



Унда ЕТТБ биринчи вице-президенти Филипп Беннетт бошчилигидаги делегация аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари ва соҳа мутахассислари иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев сўзга чиқиб, юртимизда ЕТТБ офисининг очилиши муҳим воқеа эканлигини таъкидлади. Шунингдек, ҳамкорлик доирасида кўплаб янги-янги лойиҳалар амалга оширилишига ишонч билдирди. Шундан сўнг Филипп Беннетт ўз нутқида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳада халқаро молия институтлари, хусусан, ЕТТБ билан кенг қамровли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этиб ўтди.

*(Давоми 2-бетда).*

## Инвестиция муҳитини такомиллаштириш йўлида

**Пойтахтимизда инвестицион муҳитни яхшилаш, эришилган натижаларни ўрганиш ва устувор йўналишларни белгилаб олишга бағишланган халқаро анжуман ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳитни яхшилаш» лойиҳаси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур форум инвестицион жараён иштирокчилари, жумладан, маҳаллий ва халқаро ташкилотлар, хорижлик ишбилармонлар ҳамда хусусий сектор вакилларини мамлакатимизда сармоядорларнинг манфаатларини кўзловчи долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун бир майдонга бирлаштирди.

**Инвестицион ўсишга тўсқинлик қилувчи омиллар**

*– Иқтисодий либераллаштириш жараёнларида мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади, – дейди* ***Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси Азим Ахмедходжаев.*** *– Республикамизда инвестицион салоҳиятнинг ўсишига тўсқинлик қилувчи асосий омиллар соҳага оид миллий қонунчиликнинг такомиллашмаганлигидадир. Бу борада муаммоларни ҳал этиш учун ҳукуматимиз раҳбарияти инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳамда суд томонидан ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини назарда тутувчи инвестициялар бўйича янги қонунларни қабул қилиш вазифасини қўйди. Инвестиция бозорида соғлом рақобатни ривожлантиришни рағбатлантириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, инвестицион соҳада қонунчиликни кодификация қилиш масалаларига қаратилган қонунлар шулар жумласидандир.*

*(Давоми 7-бетда).*

## Тижорат банкларининг лицензиялари қайта расмийлаштириб берилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Марказий банк Бошқарувининг тегишли қарорлари билан мамлакатимиздаги барча тижорат банкларининг чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун берилган лицензияларининг амал қилиши тугатилди ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялари қайта расмийлаштириб берилди.

*(Давоми 2-бетда).*


TURON BANK

## «Туронбанк» АТБ: муносиблар тақдирланди

**Пойтахтимизнинг «Radisson Blu Hotel Tashkent» меҳмонхонасида эсда қоларли анжуман ўтказилди. Мазкур тадбир республикамизда 27 йилдан буён фаолият юритиб, барқарор ривож топаётган «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан уюштирилди.**



Маълумки, «Туронбанк» АТБ ходимларнинг ҳуқуқий онгини, маънавий-маърифий савиясини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида турли мавзуларда ўқув семинарлари ташкил этиб келмоқда. Мазкур тадбирларга эса мунтазам равишда халқимизнинг турли йўналишдаги таниқли инсонлари, ёзувчию санъаткорлари, олиму етук иқтисодчиларнинг таклиф этилиши банк ходимларининг ҳам маънан етук бўлиши баробарида улар малакасининг ошишига хизмат қилмоқда.

Навбатдаги анжуманга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан вакиллар, шунингдек, халқимиз ардоғидаги кино ва театр усталари Мирза Азизов ҳамда Райҳон Уласеновалар таклиф этилди.

*Реклама ўрнида.*


*(Давоми 8-бетда).*


УШБУ СОНДА:

**Ислоҳотлар самараси**
Банклардан хабарлар
*2-бет.*




**Банк тизими**
Ипотека кредитлаш шартлари бирмунча ўзгарди
*8-бет.*



**Статистика ва таҳлил**
«Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси» АЖ ва «Тошкент» РФБ савдоларидаги ўзгаришлар.
*12-13-бетлар.*



# Кенг қамровли ҳамкорлик сари

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Маълумот учун айтиш жоиз, ЕТТБ – халқаро молия ташкилоти бўлиб, унинг таъсисчилари сафидан Европа Иттифоқи ва Европа банки ҳамда 61 мамлакат ўрин олган. У асосан мамлакатларга бозор иқтисодиётига ўтишда ёрдам берувчи ташкилот сифатида ташкил этилган. Бугунги кунда ЕТТБ Марказий Европадан тортиб, Марказий Осиёга қадар 30 дан ортиқ мамлакатда фаолият юритиб, уларга иқтисодий ривожланишни таъминлаш, молиявий муҳитни яхшилаш ва тадбиркорликни кенгайтириш борасида кўмаклашиб келмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда ЕТТБ юртимизда амалга оширилиши лозим бўлган бир неча йўналишларни белгилаб олган. Кичик ва ўрта корхоналар учун маслаҳат бериш ва молиялаштириш хизматлари эҳтимолий дастури, трансчегаравий савдо ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган савдони молиялаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш вазифалари шулар жумласидандир.

Айни кунда банк дастлабки ишини икки лойиҳани амалга оширишдан бошлади. Жорий йил октябрь ойида ЕТТБ Директорлар кенгаши Ўзбекистон учун мазкур лойиҳаларни бир овоздан тасдиқлаган эди. Бу лойиҳалар кичик ва ўрта бизнес, савдони молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ажратиладиган 100 млн. АҚШ доллари қийматидаги кредит линияси ҳамда мева шарбати ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Agromir Juice» қўшма корхонаси учун 10 млн. долларлик кредитдир. Айни пайтда молия, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида, шунингдек, жойлардаги инфратузилмани ривожлантириш бўйича кўплаб қўшимча сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Тадбир доирасида Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида сув ва иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришга оид қиймати қарийб 215 млн. долларлик бешта ҳужжат имзоланди. Бу лойиҳалар аҳоли саломатлиги ва турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади.

*Бобур МУҲАММАДИЕВ.*

# Тижорат банкларининг лицензиялари қайта расмийлаштириб берилди

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Бизнинг маълумот: Бундан олдин Марказий банк томонидан тижорат банкларига «Тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидалари»га мувофиқ, Бош лицензия, «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан миллий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилар эди.

«Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон талабларига мувофиқ, тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш бўйича лицензия бериш амалиёти бекор қилинди. Тижорат банкларининг хорижий валюта билан операциялари банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилиши белгиланди.

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Матбуот хизмати.*

# Тадбиркор қизларнинг энг яхши лойиҳалари

**Пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма театрида «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси – 2017» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Касаба уюшмалари Федерацияси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда ҳудудлардан 82 нафар ёш тадбиркор қиз ўз бизнес лойиҳаси билан қатнашди.

Айтиш жоиз, бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган аёллар 45 фоизни, жумладан, саноатда 28,3, қишлоқ хўжалигида 37 фоизни ташкил этади. Фермер аёллар сони эса 1500 нафардан ортиқ бўлиб, 3 нафари «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган. Шунингдек, минглаб аёлларимиз ҳунармандчилигимизнинг турли йўналишларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Касб-ҳунар коллежларини битираётган ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг лойиҳаларини ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ этиш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадини илгари сурган «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси» кўрик-танловининг қуйи босқичларида (жорий йилнинг апрель-май ойларида) республика бўйича 800 та касб-ҳунар коллежидан 18 235 нафар битирувчи қиз ўз лойиҳалари билан иштирок этди.

19 май ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалдаги бизнеслари билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун уларга 11 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Тақдирлаш маросимида танловнинг дастлаб туман, кейин вилоят босқичида ғолиб бўлган 82 нафар ташаббускор қиз «Қишлоқ хўжалиги соҳасида энг яхши тадбиркор қиз», «Сервис соҳасида энг яхши тадбиркор қиз» ва «Ишлаб чиқариш соҳасида энг яхши тадбиркор қиз» номинациялари доирасида тақдирландилар.

Унда, жумладан, 28 нафар ғолиб қизга «Агробанк» АТБ томонидан ҳам кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

*– Эчки юнгидан турли кўринишдаги рўмол, шарф ва бошқа тўқувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганман, – дейди* ***Тўрақўрғон Иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мафтуна Мўминова.*** *– Бунда аввало, ота-онамнинг маслаҳатларига, қолаверса, устозларим кўмагига таяндим. Товар соф экологик хомашёдан бўлгани боис мутахассислар унинг экспорт йўналишидаги тақдири истиқболли эканлигига ишонч билдиришмоқда. Лойиҳамнинг «Агробанк» АТБ Тўрақўрғон филиали томонидан молиялаштирилаётгани эса янада ғайрат ва шижоат билан иш юритишимга имкон яратмоқда.*

*Назира МАВЛОНОВА.*

# БАНКЛАРДАН ХАБАРЛАР

## «ТРАСТБАНК» ВА «ПРОМСВЯЗЬБАНК» АЖ (РОССИЯ) ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ




**Жорий йилнинг 10 ноябрида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки бошқаруви раиси Сардор Нормуҳаммедов бошчилигидаги банк раҳбарияти амалий ташриф билан Россия пойтахти Москва шаҳрида бўлди.**

Ташриф доирасида «Трастбанк» ХАБ ва «Промсвязьбанк» АЖ (Россия) ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Ҳамкорлик меморандуми Ўзбекистон Республикасига товарлар ва хизматларни етказиб беришни назарда тутувчи савдо амалиётлари ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш соҳасида ўзаро манфаатли операцияларни биргаликда амалга оширишни назарда тутади.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда «Трастбанк» ХАБ дунёнинг кўпгина банклари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган бўлиб, уларнинг 17 тасида корреспондентлик ҳисоб рақамларини очган.

## «HAMKORBANK» ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БАНКИДА КОРРЕСПОНДЕНТЛИК ҲИСОБ РАҚАМИНИ ОЧДИ

**ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ ўз мижозлари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида хорижий молия муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

Хусусан, яқинда ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ Жанубий Кореянинг энг йирик банкларидан бири бўлган ва бош офиси Сеулда жойлашган «Kookmin Bank»да корреспондентлик ҳисоб рақамини очди. Таъкидлаш ўринлики, банклар ўртасидаги ўзаро амалиётлар иккала томон учун ҳам қулай бўлган АҚШ долларида амалга оширилишига келишиб олинди.

## «УНИВЕРСАЛБАНК»НИНГ ЯНГИ ҲАМКОРИ – «KOOKMIN BANK»

«Универсалбанк» хусусий акциядорлик тижорат банки ҳам Жанубий Кореянинг машҳур «Kookmin Bank»и билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатди. Банкдан маълум қилишларича, бундан кейин ҳам мижозлар ва ҳамкорлар учун таклиф қилинаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш мақсадида корреспондент-банклар сонини янада ошириш мақсад қилинган.

## «INFINBANK»: ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ШОХОБЧАЛАР

**«InfinBANK» акциядорлик-тижорат банки томонидан тўртта валюта айирбошлаш бўйича янги шохобчалар ишга туширилди.**

Мазкур шохобчалар пойтахтимизнинг Чилонзор тумани, Фарҳод ва Қатортол кўчалари кесишмасидаги «Шуҳрат» мини-банки биносида, Учтепа тумани, Лутфий кўчасидаги «Фарҳод» мини-банкида, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчасидаги «Бунёдкор» мини-банки ҳамда «ТТЗ» мини-банкида жойлашган. Валюта айирбошлаш шохобчалари соат 9.00 дан 17.00 га қадар аҳолига хизмат кўрсатади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, банк раҳбарияти мижозлар учун валюта айирбошлаш жараёнини янада енгиллаштириш мақсадида изланишлар олиб бормоқда. Хусусан, яқин кунларда валюта айирбошлаш шохобчалари тармоғи янада кенгайтирилиши режалаштирилган.

*Жасур МИРЗАЕВ тайёрлади.*

пул боғламларидан ажралиб туриши учун диагонал равишда эни 10 мм. қизил йўлли чизиқ чизилган устки накладкалардан фойдаланилиши лозим. Эскирган тоифасидаги пулларнинг қайта муомалага чиқиб кетишига йўл қўйилмайди ҳамда эскирган пул боғламига муҳрини босган кассир шахсан жавобгар ҳисобланади.».

2. 50-банднинг иккинчи хатбошисидаги «10000 сўмлик учун – эни 15 мм. бўлган иккита яшил йўлли» деган сўзларидан кейин «50000 сўмлик учун – эни 15 мм. бўлган иккита кўк йўлли» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 54-банддан иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

4. 57-банддаги «ва 10000 сўмликлар» деган сўзлар «10000 ва 50000 сўмликлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 239-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«239. Банк томонидан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, шу жумладан, касса ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонунида кўзда тутилган асослар бўлган тақдирда судга, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек, давлат ижрочисига тақдим этиш ёпиқ ва муҳрланган конвертда ёки ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида ҳимояланган алоқа каналлари воситасида амалга оширилиши мумкин».

6. 266-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«266. Дафтар ва алоҳида варақ кўринишидаги, катъий ҳисобда турувчи барча бланкалар «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами 2944, 2017 йил 6 ноябрь) асосан қўлланиладиган 09002 Валюта айирбошлаш шохобчалари орқали валюта ва йўл чекларини сотиб олишда бериладиган маълумотнома сертификати, 09004 Валюта ва йўл чекларини инкассога қабул қилиш тўғрисидаги квитанция, 09005 - «Валюта ва йўл чекларини экспертизага қабул қилишда ишлатиладиган квитанция», 09006 Нақд чет эл валютасини хорижга олиб чиқишда бериладиган рухсатнома, 09007 Валюта ва йўл чекларини сотишда тўлдириладиган маълумотнома, 09012 Шикастланган валюталарни яроқлисига алмаштиришда тўлдириладиган квитанция ва 09015 Йўл чекларини нақд хорижий валютага алмаштириб олишда ишлатиладиган квитанция китобчаси 50 варақдан иборат бўлиши шарт ва у тўлдирилганда, қора қоғоз орқали икки нусхада тўлдирилиши муносабати билан дафтарчалар 25 сўм қийматида баҳоланади. Уларнинг ҳар бири дафтарча ёки ҳар бир варақ бўйича шартли равишда бир сўмга, сақлаш учун қабул қилинган акция, вексель, жисмоний шахслар учун чиқарилган депозит сертификатлари ва Марказий банк томонидан чиқарилган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ўз номинал қиймати бўйича баҳоланиб, 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади».

7. 325-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк (банк филиали) томонидан банк биносида ва биносидан ташқарида ташкил этилган ҳамда қандай номланишидан қатъи назар, банк амалиёт кунига уланган барча омонат (жамғарма) кассалари ва минибанк кассалари, турли коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилувчи кассалар, пул ўтказмалари шохобчалари (кейинги ўринларда банкдан ташқарида жойлашган операцион кассалар деб юритилади) учун ушбу бобдаги талаблар бир хил тартибда қўлланилади (хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги банкнинг махсус кассалари бундан мустасно). Валюта айирбошлаш шохобчалари (кассалари) биноларига талаблар ва иш тартиби Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2944, 2017 йил 6 ноябрь) мувофиқ белгиланади.».

8. 343-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсия ва нафақа пулларини тарқатиш мақсадида бошқа банклардан нақд пулларни олиш ва Халқ банки филиалларига етказиш фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармалари фармойишларига асосан амалга оширилиши лозим.»

9. 375-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкларда очилган «22632 - «Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан пенсия ва нафақаларни нақд пулда тўлаш учун молиялаштирилган компенсация ва бошқа тўловлар учун маблағлар» ҳисобварағига молиялашган пенсия ва нафақани тўлаш учун нақд пул маблағлари Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси фармойишига асосан инкассация хизмати орқали Халқ банкининг тегишли филиалларига етказиб берилади.».

10. 1-илованинг 5-бандидаги «10000» рақами «50000» рақами билан алмаштирилсин.

11. 19-илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

12. 23-илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

13. 46-илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 3-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

14. 51-илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 4-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

*Жадвал шаклидаги иловалар ҳужжатнинг асл нусхасида мавжуд.*

*Ҳужжатнинг электрон кўринишини www.finance.uz сайтидан олишингиз мумкин.*





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 29 сентябрь куни 2933-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

***(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).***

*Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

### Ломбард бош бухгалтери тўғрисида намунавий НИЗОМ

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ломбардларининг бош бухгалтерларига тааллуқлидир.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун ломбард раҳбари жавобгар ҳисобланади. Раҳбар бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши, бош бухгалтернинг ҳужжатлар ва маълумотларни расмийлаштириш ҳамда ҳисобини юритиш учун тақдим этиш тартиби борасидаги талаблари ломбард ходимлари томонидан оғишмай бажарилишини таъминлаши шарт.

2. Бош бухгалтер ломбардда бухгалтерия аппаратини бошқаради, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланилиши ҳамда мулкнинг бут сақланиши устидан назорат олиб борилишини таъминлайди.

Ломбард бош бухгалтери лавозимга раҳбар томонидан тайинланади ва озод қилинади. Агар ломбарднинг юқори муассасаси мавжуд бўлса, унда бош бухгалтерни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш юқори турган ломбард раҳбари ҳамда бош бухгалтери билан келишилади ҳамда у бевосита юқори ташкилот раҳбарига, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботлар тузиш, назорат қилиш тартиби ва методикаси билан боғлиқ масалалар бўйича эса, бевосита юқори ташкилот бош бухгалтерига бўйсунади.

3. Ломбарднинг бош бухгалтери бошчилик қиладиган бухгалтерия аппарати мустақил таркибий бўлинма бўлиб ҳисобланади ва бошқа бирон-бир бўлинма таркибига кирмаслиги лозим.

4. Ломбарднинг бош бухгалтери лавозимига олий иқтисодий ёки иқтисодий ўрта махсус маълумотга ва шу мутахассислик бўйича камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган шахслар тайинланади.

5. Бош бухгалтер лавозимга тайинланаётганда ва лавозимидан озод қилинаётганда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг аҳволи текширилиб, ломбард раҳбари томонидан тасдиқланганидан кейин бўлинмани қабул қилиш-топшириш жараёни далолатнома билан расмийлаштирилади. Юқори ташкилот мавжуд бўлганда, ушбу далолатноманинг нусхаси ломбарднинг юқори бошқарув органига юборилади. Зарур ҳолларда, бош бухгалтер томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш жараёнида юқори ташкилотнинг вакили қатнашади.

6. Бош бухгалтер зиммасига пул маблағлари ва моддий бойликлар учун бевосита моддий жавобгарлик билан боғлиқ вазифалар, шунингдек, ломбард раҳбари вақтинча ишда бўлмаган пайтда унинг вазифаларини бажариб туриш юклатилиши мумкин эмас. Бош бухгалтерга бевосита чеклар ва бошқа ҳужжатлар асосида ломбард маблағ ва товар-моддий бойликларини қабул қилиш тақиқланади.

7. Бош бухгалтер вақтинча ишда бўлмаган вақт мобайнида (хизмат сафари, таътил, касаллик ва шу кабилар) бош бухгалтернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ломбард раҳбарининг буйруғига асосан бош бухгалтер ўринбосарига юклатилади.

**2-боб. Бош бухгалтернинг вазифалари**

8. Бош бухгалтер бухгалтерия ҳисобининг юритилиши юзасидан белгиланган қоидалар асосида қуйидагиларни таъминлаши шарт:

бухгалтерия ҳисоби Ҳисобварақлари режасидаги ҳисобварақларнинг тўғри очилиши, ҳисобварақларда операцияларнинг ўз вақтида ва тўғри акс эттирилиши ва бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши;

пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари уларга ишлов бериладиган участкалардан ўтишининг аниқ муддатларига риоя этилиб, ҳужжатлар айланишини тўғри ташкил этиш;

мижозларнинг келиб тушадиган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари шаклига ва мазмунига кўра тўғри расмийлаштирилишини, шунингдек, уларнинг қонуний тарзда бажарилишини ҳамда маблағ ва бойликлар бут сақланишини таъминлаш;

баланс тузиш;

бухгалтерия (кирим-чиқим) ҳужжатларининг ўз вақтида жамланиши ҳамда расмийлаштирилиши, бут сақланиши, шунингдек, улар ўрнатилган тартибда архивга топширилиши;

бухгалтерия ҳисобининг илғор шакл ва усулларидан кенг фойдаланиш;

товар-моддий бойликлар ва асосий воситалар ҳисобининг тўлиқ юритилиши, шунингдек, улар ҳаракати билан боғлиқ операцияларнинг барчаси

«36. Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги барча активларнинг 3,0 фоизи сифатли I даражали капитал бўлишини ҳисобга олган ҳолда ва Базель 3 меъёрларига мувофиқ К2 коэффициенти 2017 йилнинг 1 январидан 0,095 (9,5 фоиз) ва 2019 йилнинг 1 январидан 0,10 (10,0 фоиз) миқдордан кам бўлмаслиги лозим.».

5. 37-банднинг жадвали қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| Капиталнинг монандлигига қўйилган минимал талаблар (%) | | | |
|---|---|---|---|
| Талаб кучга кириш санаси | Регулятив капиталга (К1) | I даражали капиталга (К2) | I даражали асосий капиталга |
| 01.01.2017 | 12,5 | 9,5 | 7,5 |
| 01.01.2019 | 13 | 10 | 8 |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 23 октябрь куни 1602-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15 июндаги 13/6-сонли қарори (рўйхат рақами 1602, 2006 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 299-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси** **М.НУРМУРАТОВ**
*Тошкент ш.,*
*2017 йил 23 сентябрь, 26/2-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/2-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

### Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банд:
қуйидаги мазмундаги ўттиз учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«29896 – Бошқа мажбуриятлар»;
ўттиз учинчи хатбоши ўттиз тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 6-банд қуйидаги мазмундаги «в» кичик банди билан тўлдирилсин:
«в) инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул бошқа ҳудудда жойлашган тижорат банки (филиали)нинг шу ҳудуддаги банк биносидан ташқарида жойлашган операцион кассасига тегишли бўлса:
Дебет 19903 – «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»
Кредит 29896 – «Бошқа мажбуриятлар».

3. 10-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:
«Агар банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари шу ҳудудда бош банки ёки филиали бўлмаган банк биносидан ташқарида жойлашган операцион кассасига тегишли бўлса, унда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:
Дебет 29816 – «Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар»
Кредит 29896 – «Бошқа мажбуриятлар».

4. 13-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:
«Агар банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган камомад суммаси шу ҳудудда бош банки ёки филиали бўлмаган банк биносидан ташқарида жойлашган операцион кассасига тегишли бўлса ва у шартномада келишилган шартларга биноан ундириб олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:
Дебет 29896 – «Бошқа мажбуриятлар»
Кредит 19935 – «Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар».

5. 14-банд қуйидаги мазмунда



18. Ломбард раҳбари бош бухгалтерга мазкур Низомда кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ҳуқуқларидан фойдаланишида атрофлича ёрдам беришга мажбур.

Бош бухгалтер ана шу мажбуриятларни бажаргани ҳамда ўз ҳуқуқларидан фойдалангани учун унга тазйиқ ўтказиш борасида қилинадиган ҳар қандай уринишларга қатъиян barҳам берилиши, бунга айбдор бўлган шахслар эса қатъий жавобгарликка тортилиши лозим.

#### 4-боб. Бош бухгалтернинг жавобгарлиги

19. Бош бухгалтер қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади:
а) бухгалтерия ҳисоби нотўғри юритилиб, оқибатда бухгалтерия ҳисоботи бузилганда;
б) пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш, киримга ёзиш, сақлаш ва сарфлаш юзасидан белгиланган тартибга зид операциялар бўйича ҳужжатлар ижрога қабул қилинган ҳамда расмийлаштирилган ҳолларда;
в) ломбард ҳисобварақлари бўйича операциялар, шунингдек, дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кечикиб ҳамда нотўғри амалга оширилганда;
г) камомадлар, дебиторлик қарзлари ва бошқа йўқотишларни молиявий ҳисоботлардан чиқариш тартиби бузилганда;
д) бухгалтерия аппарати айби билан нотўғри молиявий ҳисоботлар тузилганда.

20. Бош бухгалтер қуйидаги ҳолатлар учун ломбард раҳбари билан биргаликда жавоб беради:
а) молиявий-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар бузилиши;
б) мансабдор шахслардан улар етказган зарар суммасини ўз вақтида ундириб олмаслик;
в) молиявий ҳисоботларни тегишли органларга тақдим этиш муддатлари бузилиши;
г) молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг қонунийлиги, электрон тўловлар тизими орқали ўтказилган тўлов ҳужжатларининг бут сақланиши ҳамда уларнинг кунлик архивлаш тартиби бузилиши.

21. Бош бухгалтерларнинг интизомий, моддий ва жиноий жавобгарлиги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

*Жадвал шаклидаги иловалар ҳужжатнинг асл нусхасида мавжуд.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

### Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 10 октябрь куни 2093-8-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сонли қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси** **М.НУРМУРАТОВ**
*Тошкент ш.,*
*2017 йил 23 сентябрь, 26/11-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/11-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

### Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«3. 2017 йил 1 октябрдан бошлаб микрокредит ташкилотлари устав фондининг энг кам миқдори 2,0 млрд. сўм этиб белгилансин.».

2. 4-банд қуйидаги мазмунда баён этилсин:
«4. Фаолият кўрсатаётган микрокредит ташкилотлари 2019 йилнинг 1 январига қадар ўз устав фондларини мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган миқдорга етказишлари лозим.».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

### Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 10 октябрь куни 2696-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли қарори (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси** **М.НУРМУРАТОВ**
*Тошкент ш.,*
*2017 йил 23 сентябрь, 26/6-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/6-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

### Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-бандда:
еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
саккизинчи хатбоши еттинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.

2. 7-боб ўз кучини йўқотган деб топилсин.

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 10 октябрь куни 1948-13-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5177-сонли Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси** **М.НУРМУРАТОВ**
*Тошкент ш.,*
*2017 йил 23 сентябрь, 26/13-сон*



*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий банки Бошқарувининг*
*2017 йил 23 сентябрдаги 26/13-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

### Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Резидент банкларга чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлари банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган бошқа резидент тижорат банкларида очилади.».

2. 31-банднинг биринчи хатбошисидаги «ваколатли» деган сўз «тижорат» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 48-банднинг «б» кичик бандидаги «ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига, агар уларнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса,» деган сўзлар «тижорат банкидаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

### Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 23 октябрь куни 2693-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3270-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси** **М.НУРМУРАТОВ**
*Тошкент ш.,*
*2017 йил 23 сентябрь, 26/7-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/7-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

### Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 100,0 млрд. сўмни ташкил этиши лозим.

Фаолият кўрсатаётган тижорат банклари 2019 йилнинг 1 январига қадар устав капиталини ушбу миқдорга етказишлари лозим.».

2. «капитали энг кам миқдори» деган сўзлар «капиталининг» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати 12,5 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Регулятив капиталнинг монандлик коэффициенти К1 қуйидаги тарзда ҳисобланади:

К1 = РК / ТАУС.

2019 йил 1 январдан бошлаб банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда К1 нинг энг кичик даражаси ни 0,13 (13,0 фоиз) миқдорда таъминлашлари шарт.

Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча захирадан иборат. Бундай захирадан мақсад банклар томонидан молиявий ва иқтисодий қийинчилик даврларида зарарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин бўлган капитал захирасининг таъминланишини кафолатлаш ҳисобланади.».

4. 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

# Инвестиция муҳитини такомиллаштириш йўлида

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

*Муҳими, мазкур амалий ишлар инвестицион муҳит ва мамлакат иқтисодиётининг умумий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши лозим. Шу муносабат билан Қўмита томонидан Олий Мажлис Сенати ва БМТ Тараққиёт дастурининг экспертлари кўмагида Инвестиция кодексини ишлаб чиқиш учун идоралараро ишчи гуруҳи тузилди. Ушбу ҳужжат юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини аниқлашда, сармоявий салоҳиятнинг ошишида, мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган қонунлар ишлаб чиқилишида ҳамда кафолатланган қўшимча имкониятлар яратилишида алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда Инвестиция кодексининг лойиҳаси www.regulation.gov.uz порталида жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган.*



«Ўзбекистон имкониятлари кенг мамлакат», – дейди **форум меҳмони, ЕТТБнинг биринчи вице-президенти Филипп Баннетт.** – Беқиёс иқлим шароити, ички хомашё ва меҳнат ресурслари, ҳақиқатан ҳам, мамлакатингизнинг катта потенциалга эгалигини билдиради. Эндиликда унга қўшимча равишда жаҳонда кенг қўлланилаётган менежмент амалиётлари ва замонавий илғор технологияларни жадаллик билан олиб кириш зарурдир. Шу ўринда айтиш жоиз, тўғридан-тўғри инвестициялар нафақат активлар, балки яхшигина тажрибани олиб кириши билан аҳамиятлидир. ЕТТБ ТИФ Миллий банки воситачилигида Ўзбекистонга катта миқдорда сармоя киритмоқда. Мақсадимиз – ҳукумат билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, юртингизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиявий барқарорлаштириш, соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшиш ва шу асосда давлат стратегиясини қўллаб-қувватлашдан иборат.

**Кучайтирилган молиявий сиёсат самараси**

Президентимиз томонидан қабул қилинган «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон аввало, амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратиш имконини берди.

Ўтган икки ой ичида аҳоли томонидан тижорат банкларига 500 млн. АҚШ долларидан ортиқ пул сотилди. Валюта айирбошлаш ўтган йилга нисбатан 70 фоизга ошди. Экспорт эса 20 фоиз билан юқори кўрсаткичларни қайд этди. Сармоядорлар фаолияти жадаллашди. Ташкилотлар даромади 17 фоизга, тижорат банкларининг капитализацияси эса 40 фоизга ортди.

Фармон талабларига кўра, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун якка тартибдаги корхоналарга солиқ имтиёзлари берилди. Уларнинг фаолиятини тизимли йўлга қўйиш учун шарт-шароитлар яратилди. Товарлар нархини барқарор ушлаб туриш, нархлар индексини доимий таҳлил қилиш тизими ишга туширилди.

Инвестицион ресурсларни шакллантириш мақсадида эса молиявий ҳамкорлар билан биргаликда турли дастурларнинг ишлаб чиқилганлигини айтиш жоиз.

Шунингдек, форум давомида Жаҳон банки, ЕТТБ, «Ernst & Young», «Fitch Ratings» ва «KPMG» каби халқаро тузилмалар спикерлари ўз нутқларида валюта сиёсатини либераллаштириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни юқори баҳоладилар. Ўз тажрибалари билан ўртоқлашиш баробарида иқтисодий ислоҳотларга оид тавсиялар ҳам бердилар.

Тадбиркорлик тузилмалари вакиллари ўз тажрибалари ва мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга доир аниқ таклифларни билдирдилар. Шу билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизнинг нуфузли халқаро рейтинглардаги позициясига ва хорижий сармоядорлар томонидан ишбилармонлик муҳитини идрок этишларига ижобий таъсир кўрсатаётганлиги қайд этилди. Қабул қилинган чора-тадбирлар самарадорлигининг муҳим жиҳатларидан бири Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш-2018» рейтинги натижалари бўлди. Унга кўра, Ўзбекистон 13 поғонага кўтарилиб, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари ўнталигига кирди.

Тадбир давомида маърузачилар солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш борасидаги чора-тадбирларни давом эттириш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилишда меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга оид ишларни кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Анжуман сўнгида республикамизда инвестицион жараёнларни фаоллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

***Назира МАВЛОНОВА.***

# «Алоқабанк»: асаларичиликни ривожлантириш дастуридаги иштирок

**Мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, сифатли асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш юзасидан қатор амалий ишлар олиб борилмоқда ва улар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, 2017 йил 16 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мазкур соҳа жадал ривожининг янги босқичини бошлаб беришда муҳим омил бўлди.**

Ушбу Қарор юртимизда асаларичилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда насчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, асаларичилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни республикамизнинг барча ҳудудларида татбиқ этиш мақсадида қабул қилинди ва унда «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаси ташкил этилиб, мазкур уюшманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Шу билан бирга, мазкур Қарор билан асал етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмини кўпайтиришга, асалари пакетлари билан хўжаликларни таъминлашга, асал етиштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга йўналтирилган 2017-2021 йилларда асаларичилик тармоғини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Асалари уялари, зарур жиҳозлар, асаларичилик соҳасида қўлланиладиган инвентарлар, ускуналар, махсус транспорт воситалари ва тиркамалар, шунингдек, асални қадоқлаш бўйича замонавий технологик линиялар етказиб берилишини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида АТ «Алоқабанк» томонидан масъулияти чекланган жамият шаклидаги лизинг компаниясининг фаолияти йўлга қўйилиши кўзда тутилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йил якунига келиб республикамизда асаларичилик соҳасида 12 мингдан ортиқ тадбиркор фаолият кўрсатди. Асаларичилик хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш йўлида АТ «Алоқабанк» томонидан 30 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Аҳолининг асал маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун ўтган йилда 12 минг тонна асал етиштирилди, бу 2015 йилга нисбатан 1,2 марта кўпдир. Эндиликда Қарорга асосан асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилдаги 15,4 минг тоннадан 2021 йилга бориб 23,7 минг тоннагача етказиш мақсад қилинди.

***Бекзод АКРОМОВ.***

# ТИФ Миллий банки ва ЕТТБ: заём келишуви

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бош биносида мазкур муассаса ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ўртасида заём келишувини имзолаш маросими бўлиб ўтди.**

Унда ТИФ Миллий банки ЕТТБ билан кичик бизнес ва савдони қўллаб-қувватлашга доир умумий қиймати 100 млн. АҚШ долларилик битим тузди. Келишувга асосан ушбу сармоянинг 70 млн. АҚШ доллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга, 30 млн. доллари эса савдога кўмаклашиш мақсадида жалб қилинади.

Тадбирда ТИФ Миллий банки бошқаруви раиси Суҳроб Холмуродов ЕТТБ билан имзоланган мазкур келишув ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда янги босқични бошлаб беришига ишонч билдирди. У ЕТТБ салоҳиятининг мустаҳкамланиши республика иқтисодиёти учун ажойиб актив бўлишини таъкидлади.

Ўз навбатида, ЕТТБ биринчи вице-президенти Филипп Беннетт ҳам ҳамкорлик юзасидан ўзининг илиқ фикрларини билдирди: «Биз сармоя киритувчи мамлакатлар да бирга ишловчи ҳамкор банклар қаторида ТИФ Миллий банкини кўрганимиздан хурсандмиз. Ишончим комилки, бизнинг кредит линияларимиз ҳамда молиявий ноу-хауларимиз ўзбекистонлик кичик ва ўрта корхоналарга мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш йўлида кучли, барқарор ва фаол иш юритишига молиявий мадад бўлади. Шунингдек, ушбу қўшимча сармоялар уларга ўз салоҳиятларини тўлалигича намоён этиш имконини бериб, юртингиз иқтисодиётини тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшади».

Айтиш жоиз, ЕТТБнинг савдога кўмаклашиш дастури ТИФ Миллий банкига импорт ва экспорт операцияларини қўллаб-қувватлаш, муассасада хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ҳамда савдони молиялаштириш асосида маҳсулотлар ассортиментини кўпайтиришга имконият яратади.

***Юлдуз ЗОКИРОВА.***

# «Қишлоқ қурилиш банк»: тўққиз ойлик якунлар

**Мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Давлатимиз раҳбари томонидан тижорат банкларининг молиявий имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларни алоҳида қайд этиш жоиздир. Ўз навбатида, банк муассасалари ҳам ҳукумат ислоҳотларига камарбаста бўлиб, мақсад ва вазифаларини давлатни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратмоқда.**




Пировардида, уларнинг ўзлари ҳам аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшиш баробарида барқарор ўсиш суръатларига эга бўлмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойлик якунларига кўра, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки умумий капитали йил бошига нисбатан 85,6 фоизга ўсиб, 919,3 млрд. сўмга, соф активлари қолдиғи 16,6 фоизга ортиб, 6 315,4 млрд. сўмга етди. Шунингдек, ушбу даврда банкдаги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлари қолдиғи йил бошига нисбатан 22,1 фоизга ошди, кредит қўйилмалари ҳажми эса қарийб 15 фоизга ўсиб, 5 381,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Дарҳақиқат, «Қишлоқ қурилиш банк» фаолиятида энг устувор вазифа – қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуришдан иборатдир. Жорий йилда муассаса Президентимизнинг «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги 2639-сонли Қарори ижроси юзасидан 6985 та уй-жойнинг қурилишини молиялаштирмоқда. Бунинг учун банк ҳисобот даврида аҳоли маблағлари ҳисобидан 155,4 млрд. сўм, ўзининг имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобидан эса 446,1 млрд. сўм (жами 601,5 млрд. сўм) миқдоридаги маблағларни «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказиб берди.

Бундан ташқари, «Қишлоқ қурилиш банк» кредит сиёсатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Тўққиз ой давомида муассасанинг мазкур соҳани молиявий рағбатлантириш мақсадида ўз маблағлари ҳисобидан ажратган кредитлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119,2 млрд. сўмга ортиб, 791,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Банкда бошқа йўналишлар бўйича ҳам ишлар намунали йўлга қўйилган. Хусусан, ўтган давр давомида аҳоли ва мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида қўшимча 3100 дона терминал ва 110 000 дона пластик карта келтирилиб, филиалларга етказилди. 17 та янги омонат жорий қилинди.

Ҳозирда банк тизимида 42 та филиал, 40 та мини-банк ва 231 та шохобча фаолият юритади. Улардан 819 мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахслар кенг фойдаланиб келмоқда.

Муассасанинг молиявий кўрсаткичлари ҳолати, барча қуйи тузилмаларида хизмат кўрсатишнинг сифат даражаси мунтазам равишда халқаро рейтинг компаниялари томонидан баҳолаб борилади. Охирги шундай таҳлил ва баҳо шу йилнинг 3 ноябрида «Moody's» агентлиги томонидан қайта тасдиқланиб, барча рейтинглар истиқболи «Барқарор» дея эътироф этилди.

***Наргиз АҲМЕДОВА.***

# «Туронбанк» АТБ: муносиблар тақдирланди

***(Давоми. Бошланиши 1-бетда).***

Учрашувда банк ходимлари ва санъаткорлар ўртасидаги қизғин суҳбат ва савол-жавоблар барчани санъат оламига етаклади. Актёр Мирза Азизовнинг аёлларга бағишлаб айтган шеъри эса барчани тўлқинлантирди.

Қизғин суҳбатлардан сўнг, анжуман янада ўзгача тус олди. «Туронбанк» АТБ тизимида бир неча йиллар мобайнида самарали фаолият юритиб, ўз иши билан ҳаммага ўрнак бўлаётган, банкнинг янада равнақ топишига ва молия бозорида обрўсининг ошишига хизмат қилаётган мини-банкларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда эсдалик совғалари билан тақдирланган «Энг кўп даромад келтирган мини-банк», «Энг кўп мижозларга хизмат қилган мини-банк», «Энг яхши жиҳозланган мини-банк» ва «Энг фаол мини-банк»лардан ташқари яна қатор ана шундай тузилмаларга ташаккурномалар берилди.

Шундан сўнг, анжуманнинг бадиий қисмидан амалийсига ўтилди.

Унда психолог Барно Исломованинг «Банк ходимларининг хизмат кўрсатишда муомала маданиятини ошириш – банк имижининг асосий омили» мавзуидаги тақдимот маърузаси тингланди. Унда банк ходими мижозлар билан қандай муомалада бўлиши ҳақидаги тавсиялар барча учун қизиқарли кечди. Шундан сўнг «CFS» компанияси ходимлари корпоратив мижозларни жалб қилиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш тўғрисидаги чиқишлари билан йиғилганлар учун келгуси фаолиятида муҳим бўлган маълумотларни тақдим этди.

Анжуман давомида Марказий банк ходимлари «Туронбанк» АТБ устав капиталини ошириш ва ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда бу борада банк тизимида ўрнатилган норматив ҳужжатлар ҳақида батафсил маълумот берди. Бундай маърузалар эса йиғилганларда янада ишчанлик кайфиятини уйғотди.

Шунингдек, тадбирда яна қатор мавзулар юзасидан маърузалар тингланди. Филиал ва мини-банклар фаолиятини янада ривожлантириш, бунда, аввало, аҳолининг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, банк хизмат турлари сифати ва кўламини кенгайтириш, ушбу чора-тадбирларни самарали амалга ошириш учун банк-молия соҳасида қабул қилинаётган янги меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида иш юритиш каби муҳим вазифаларни бажариш лозимлиги таъкидланди. Шу билан бирга, сифатли банк хизматларини кўрсатиш эвазига янги мижозларни жалб қилиш бўйича ишларни мунтазам равишда ривожлантириш лозимлиги таъкидланиб, муҳим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

***Бобур МУҲАММАДИЕВ.***

*Хизматлар лицензияланган.*

# Ипотека кредитлаш шартлари бирмунча ўзгарди

**Эндиликда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар учун берилаётган ипотеканинг биринчи бадали сотиб олинаётган хонадоннинг қаватига боғлиқ бўлади. Бу ҳақда Миллий матбуот марказида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки томонидан ташкил этилган анжуманда ахборот берилди.**



*– Маълумки, республикамиз бўйлаб барча шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш ҳамда уларни реализация қилишда имтиёзли ипотека кредитларини бериш саъй-ҳаракатлари жорий йил бошидан жадаллик билан олиб борилаётган эди, – дейди **банкнинг Иқтисодий таҳлил ва стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Исмоил Туропов.** – Бироқ, ўтган даврда аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг арзон уй-жойларга бўлган талаби юқорилигини ҳисобга олиб, мазкур чора-тадбирларни янада кучайтириш, бунда ҳамюртларимизга қўшимча имтиёзлар яратиш, хусусан, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, ипотека кредитлари бўйича янада қулай ва соддалаштирилган шартларни ишлаб чиқишга зарурат туғилди.*

Айтиш жоиз, Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 23 октябрда қабул қилинган «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3350-сонли Қарор эса айнан халқимиз орзу-истакларини кенг қамраб олди.

Ҳужжатга мувофиқ, кўп хонадонли уйлардаги ипотека учун биринчи бадалнинг ўртача қиймати 25 фоизни ташкил қилади. Аҳоли ўртасида анча оммалашган иккинчи қаватнинг биринчи бадали 40 фоиз бўлса, биринчи қават – 35 фоиз, учинчи қават эса – 30 фоиздир. Шу ўринда унчалик оммалашмаган қаватлардаги хонадонлар учун ўртача фоиздан паст нарх белгиланиши кўзда тутилган. Масалан, тўртинчи қават учун банклар 25 фоиз олса, бешинчи қаватга – 20 фоиз, олтинчига – 15 фоиз, еттинчи қават учун тўлов 10 фоиз бўлади. Ушбу ставкалар 5-7 қаватли уйларга тааллуқлидир. Тўққиз қаватли уйларга келадиган бўлсак, улардаги биринчи қаватдан тўртинчи қаватдаги хонадонлар бадали 5 қаватли уйларникидек

# Кредитлар ҳудудлар ривожи йўлида

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Наманган минтақавий филиали жамоаси 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тизимли ишларни амалга оширмоқда.**





Замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш, янги ишлаб чиқариш объектларини кредитлаш, нақд пул тушумини кўпайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини савдо терминаллари билан таъминлаш ва шу орқали мижозлар сонини ошириш шулар жумласидандир.

Жорий 2017 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, минтақавий филиал томонидан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида жами 846 та жисмоний шахсга 8974,5 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан 951,1 млн. сўми паррандачилик, 6616,5 млн. сўми чорвачилик, 186,8 млн. сўми иссиқхона хўжалигини барпо этишга, 873,3 млн. сўми қўйчиликни ривожлантиришга, 170,3 млн. сўми асаларичиликка, 7,5 млн. сўми қуёнчилик ва қолган қисми бошқа тармоқларни ривожлантириш учун йўналтирилди. Бунинг эвазига ҳудудда 846 та янги иш ўрни яратилди.

*– Филиал томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кўрсатиладиган микромолиявий хизматларни кенгайтириш ва иш билан таъминлаш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади, – дейди **«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Наманган минтақавий филиали кредит операциялари бўлими бошлиғи Абдуқаҳҳор Отавалиев.***

***Ҳамдам АМИНОВ.***

---

бўлса, бешинчи қаватдан бошлаб тўлов кескин ўзгаради. Бешинчи қаватдаги хонадон бадали умумий қийматнинг 25 фоизи, олтинчи ва еттинчи қаватлар – 20 фоизи, саккизинчи қават – 15 фоизи ва тўққизинчи қаватдаги хонадонлар – 10 фоизини ташкил этади.

Бунда кўп квартирали уй-жойларни «фойдаланишга тайёр» ҳолда қуриш юзасидан масъул ҳисобланган барча тузилмалар, жумладан, бош пудрат ва субпудрат ташкилотлар, лойиҳалаш институтлари, импорт қилувчи корхоналар амалга оширилган ишлар ҳажми бўйича барча турдаги солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ҳамда божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган.

Анжуманда таъкидланишича, ПҚ-3350-сонли Қарорда ипотека кредити бўйича белгиланган бошқа шартлар ўзгаришсиз қолган. Яъни уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож жисмоний шахсларга кўп квартирали уй-жойдаги квартирани сотиб олиш учун ипотека кредитлари 20 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр билан, кредитдан фойдаланганлик учун дастлабки 5 йил давомида йиллик 7 фоиз ва қолган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси миқдорида ажратилади.

Бунда кредит олувчи учун қатор солиқ имтиёзлари кўзда тутилган. Чунончи, кредит олувчи ўзи ёки оила аъзоларининг кредит бўйича ойлик тўловларини қайтариши учун йўналтирган маблағлари солиққа тортилмайди. Агарда корхоналар қайтиб олмаслик шарти билан ўз ходимларига ипотека кредитининг бошланғич бадалини тўлаб берган бўлса, мазкур маблағ ҳам солиққа тортилмайди. Шунингдек, кредит тўлиқ қайтарилгунига қадар хонадон учун мол-мулк солиғи тўланмайди.

Янги дастурнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ишларини молиялаштириш жорий йилда фақатгина «Ипотека-банк» АТИБ томонидан амалга оширилган бўлса, 2018 йилдан ушбу чора-тадбирларга «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Асака» акциядорлик тижорат банклари ҳам жалб қилинди.

*– Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, бунёд этилаётган уй-жойлар сони ҳам 2 бараварга оширилди, – дейди **«Ўзшаҳар қурилиш инвест» республика ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси бош муҳандиси Баҳром Қурбонов.** – Жорий йилда жами 191 та уй-жой қурилиши белгиланган бўлса (улар 10 декабргача тўлиқ фойдаланишга топширилади), келгуси йилда 335 та (шундан 150 таси Тошкент шаҳрида) янги уйларнинг барпо қилиниши кўзда тутилган.*

Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимиятидан ҳам вакиллар иштирок этиб, жорий йилнинг 9 ойи давомида арзон кўп квартирали уйлар бўйича аҳолидан жами 20 мингта ариза келиб тушганини, унинг 50 фоизи дастур талабларига жавоб беришини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, тартибга кўра, шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар ёш оилаларга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига улар истиқомат қилаётган маҳаллий ҳокимият тавсиясига биноан тақдим этилади. Бунда айнан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган жисмоний шахсларни бириктириш ҳудудий комиссия томонидан қатор, жумладан, ўз уй-жойининг йўқлиги ва ижара (аренда), бепул фойдаланиш шартларида турар жойда ёки эскирган уйларда яшаши, бир уйда (бир квартирада) бошқа оила ёки бошқа оилалар билан биргаликда истиқомат қилиши, кўп болали оила, она (ота)нинг тўлиқ бўлмаган оилада болани (боларни) тарбиялаши, ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган шахсларнинг мавжудлиги, оила таркибида биринчи гуруҳ ногирони мавжудлиги, турар жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги каби мезонлардан бири мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

***Назира МАВЛОНОВА.***

---

# Омонатлар ҳажми ва омонатчилар доираси ўсмоқда

**Бугунги кунда «Асака» акциядорлик тижорат банкида 39 турда миллий ва хорижий валютадаги омонатлар амал қилмоқда.**

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашув даражасини оширишга оид турли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқдаки, уларнинг барчаси мазмунан бир-бирини тўлдириб, молия муассасалари фолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.



Улар қаторида, айниқса, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, хусусан, мижозларнинг эркин пул маблағларини омонатларга жалб этишни янада рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин олган.




Таъкидлаш лозим, ушбу ҳужжатлар ижросида «Асака» банк томонидан фаол ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур йўналишда 9 ойлик натижаларга тўхталиб, банкда аҳоли омонатлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 366,7 млрд. сўмга ўсиб, 1 087,0 млрд. сўмни ташкил этганини, омонатчилар сони 93,0 минг нафарга ортиб, 1 915,0 минг нафардан ошганини қайд этиш мумкин.

Банкда пластик карталар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу борада муассаса саъй-ҳаракатлари Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги «Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 15 февралдаги «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида белгиланган вазифаларга қаратилган. Жумладан, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 1 925,8 минг дона пластик карталар муомалага чиқарилиб, уларнинг сони тақкосланаётган даврга нисбатан 218,5 минг донага кўпайди, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 11 758 дона терминал ўрнатилди.

Пластик карталар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ўтказилган транзакциялар миқдори бўйича 1 606,2 млрд. сўмни, шундан савдо айланмалари ҳажми 1 325,6 млрд. сўмни ташкил қилди. 12 856 та корхона ва ташкилот билан пластик карталар асосида «иш ҳақи» лойиҳаларини жорий этиш бўйича ўзаро келишувлар амалга оширилди.

Шунингдек, банк томонидан пластик карталарга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида қўшимча инфокиосклар ўрнатилди. Ҳозирда ушбу ускуналарнинг умумий сони 66 донани, банкоматлар эса 27 донани ташкил қилади. 9 ой давомида пластик карталар орқали амалга оширилган коммунал тўловлар ҳажми 78,8 млрд. сўмга етди.

***Юлдуз ЗОКИРОВА.***

# Маҳаллий маҳсулотлар намойиши

**«Ўзэкспомарказ» мажмуида «Made in Uzbekistan» деб номланган мамлакатимиз иқтисодий соҳа ютуқлари кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.**



Тадбирнинг очилиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ва чет эллик ишбилармонлар иштирок этиб, юртимизда тармоқлараро кооперация алоқаларини ривожлантириш, экспортбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтириш, бу борада корхоналарга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари кўрилаётганини таъкидлашди.

Мамлакатимизда жорий йил бошидан Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 750 лойиҳа асосида 5 трлн. 781 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлар экспорти ҳажми эса тобора ортиб бормоқда. Бунда хусусий сектор улуши анчайин юқори. Мазкур ҳолатни экспертлар жорий йилнинг 9 ойи давомида янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 бараварга кўп ташкил этилганлиги билан изоҳламоқда.

*– Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси шаклида фаолият юритаётган корхонамизда 130 турдаги сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда, – дейди* ***«AWD» компанияси вакили Беҳзод Ҳакимбоев.*** *– Маҳсулотларимиз сифати халқаро бозордаги энг харидоргир турдош товарларга тенглаша олади. Шу боис экспорт географиямиз Хитой ва Қозоғистондан Россия, Беларусь ва Украина билан янада кенгайди. Мазкур ярмаркада улар билан ҳамкорлик юзасидан илк шартномаларни тузишга эришдик.*

Тадбирда 220 дан зиёд маҳаллий корхона вакиллари 10 мингдан ортиқ турдаги тайёр товарлар, бутловчи қисмлар ва бошқа маҳсулотлар билан қатнашди. Фармацевтика, нефть-газ, тўқимачилик, озиқ-овқат, чарм-пойабзал, қурилиш, халқ истеъмоли моллари, автомобилсозлик, кимё саноати, йўл-транспорт инфратузилмаси, электротехника, ахборот-телекоммуникация технологиялари, агросаноат ютуқлари, янги маҳсулотлар, таълим ва бошқа турдаги хизматлар шулар сирасига кириб, улар «Ўзэкспомарказ»нинг учта павильонидан ташқари, очиқ майдонида ҳам намойиш этилди. Кўргазма майдони марказидаги кенг тақдимот эса ҳам иштирокчилар, ҳам ташриф буюрувчиларга энг сўнгги инновацион лойиҳалар ҳақида маълумот олиш, ўзаро фикр алмашиш ҳамда ҳамкорлик ўрнатишга шароит яратди.

Кўргазма-ярмаркада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлимлари вакиллари, тижорат банклари, суғурта, лизинг ва консалтинг компаниялари ҳам ўз стендларини намойиш этиб, тадбиркорларга ўз хизматларини тақдим этди.

Кўргазма доирасида семинарлар, маҳсулотлар ва хизматлар намойиши бўлиб ўтди. Чет эллик ҳамкорлар билан манфаатли шартномалар имзоланди.

***Гулшан ЮСУПОВА.***

# Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонга келиш тартибидаги ўзгаришлар

***Жорий йил 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг юртимизга келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартибини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритди.***

Қабул қилинган қарор талабларига кўра, хорижий фуқароларнинг амалда ҳисобга қўйилганлиги ички ишлар органлари томонидан автоматлаштирилган махсус электрон дастур ёрдамида текширилади.

Хорижий фуқаролар Ўзбекистон туристик визасида кўрсатилган муддатдан олдин келган тақдирда туристик визаларга Ўзбекистон ТИВ консуллик бюролари томонидан давлат чегарасидан ўтиш пунктларида тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи хорижий фуқаролар ўзларини қабул қилувчи ташкилотлар (вазирлик, идора), шунингдек, хусусий ишлар бўйича уларни юртимизга таклиф қилган шахсларни хабардор қилган ҳолда, хоҳишларига кўра меҳмонхона хизматлари – вақтинчалик яшаш бўйича хизматлар кўрсатиладиган жойлаштириш воситаларида (меҳмонхоналар, туризм базалари ва комплекслари, дам олиш уйлари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, миллий меҳмонхона уйлари, лагерлар, санаторийлар, даволаш муассасаларида) яшайдилар.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари томонидан Ўзбекистон қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Қуйидагилар вақтинчалик пропискага тенглаштирилади: сайёҳлик оператори томонидан ташкил этилган тур доирасида экскурсовод, гид ва/ёки йўриқчи-йўл бошловчи ҳамроҳлигида аҳоли пунктлари ташқарисига саёҳат амалга оширилганда, агар бундай тур муддати ёки унинг бир қисми 10 кундан ошмаса.

Хорижий фуқаролар сайёҳлик операторининг автотурини харид қилган ҳолда шахсий автомобилда, мотоциклда, велосипедда, пиёда ёки гуруҳ таркибида автобусда саёҳат қилганда, сайёҳлик операторлари томонидан ички ишлар органларига автоматлаштирилган махсус электрон дастур ёрдамида сайёҳларнинг паспорт маълумотлари, ҳаракатланиш йўналишлари схемаси, саёҳат пайтида тўхташ (тунаш) жойлари кўрсатилган электрон шаклдаги рўйхати тақдим этилади.

Бундай жойлаштириш учун ҳар бир яшаган кун ҳисобига ЭКИҲнинг 10 фоизи миқдорида туристик йиғим ундирилади.

***Бобур САТТОРОВ.***

# Бандликни таъминлашдаги имтиёзлар

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳада давлат сиёсатини амалга оширишда янгича ёндашувларни жорий этишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятлидир.**

Жумладан, ушбу Фармон давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ҳамкорликка асосланган ҳолда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, банд бўлмаган аҳоли, айниқса, ёшларни ишга жойлаштиришда самарали чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

*– Фармонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг биринчи маротаба ишга жойлашган битирувчилари, агар улар таълим муассасасини тамомлаган кундан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, ишга жойлашганидан кейин биринчи йил давомида иш ҳақидан олинадиган даромадлари бўйича ягона ижтимоий тўловнинг ўрнатилган ставкасини 50 фоизга, уларнинг иккинчи ва учинчи йил давридаги фаолияти бўйича 25 фоизга камайтириш белгиланди, – дейди* ***Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари в.в.б. Юнусжон Насимджанов.*** *– Мазкур киритилаётган меъёр иш берувчиларнинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришдан манфаатдорлигини ошириш ҳамда имтиёзни қўллаш натижасида бўшайдиган маблағларнинг бир қисмини битирувчиларнинг касбий малакасини ошириш бўйича тадбирларга йўналтириш имконини беради.*

Шу билан бирга, битирувчилар бандлигининг доимий мониторингини таъминлаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчиларига солиқ тўловчининг индивидуал рақами ва электрон рақамли имзони тегишли тўловни ундирмасдан берган ҳолда, солиқ тўловчи сифатида давлат солиқ органларида рўйхатга қўйиш кўзда тутилган. Бу ўз навбатида, ижтимоий суғурта бўйича амалга оширилган тўловлар асосида банд бўлмаган битирувчиларни аниқлаш ва уларни иш билан таъминлаш борасидаги муаммоларни тезкор ҳал этишга замин ҳозирлайди.



Шунингдек, аҳолини ишга жойлаштириш соҳасига жаҳоннинг илғор тажрибасига мос замонавий технологияларни жалб этишни кенгайтириш мақсадида Фармонда 2019 йилдан бошлаб ходимларнинг меҳнат фаолияти даври, махсус стажи ва давлат ижтимоий суғуртасига тўланган тўловлар миқдори бўйича ишончли маълумотни ҳамда ходимнинг касбий ўсишига доир бошқа маълумотларни ўз ичига олган «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимини босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, Фармонда меҳнат бозорини янада ривожлантириш, меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш ва бандликни рағбатлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

***Бекзод АКРОМОВ.***

# Ўзбекистон – Корея бизнес форуми: ҳамкорликнинг янги йўналишлари

**Жорий йилнинг 7-11 ноябрь кунлари Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси раисининг ўринбосари Ли Хонг Ву раҳбарлигидаги кореялик ишбилармон доиралар вакилларидан иборат делегация мамлакатимизда бўлди.**




Кореялик ишбилармонлар ташрифи доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда икки давлат тадбиркорлари иштирокида Ўзбекистон – Корея бизнес форуми ва кооперация биржаси ўтказилди. Тадбир давлатлар ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини янада ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Бизнес форумда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Лазиз Қудратов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси ўринбосари Улуғбек Маткаримов, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Квон Ён У, Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси ўринбосари Ли Хонг Ву сўзга чиқиб, Буюк Ипак йўлининг тараққиёт чорраҳасида жойлашган Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётгани, мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, чет эллик инвесторлар учун қатор имтиёз ва қулай шароитлар мавжудлиги, бу эса ишлаб чиқариш тури ва ҳажми ортишига хизмат қилаётганини қайд этиб ўтдилар.

Форумда қурилиш, озиқ-овқат саноати, савдо, заргарлик буюмлари, тиббиёт анжомлари, шахсий гигиена буюмлари, газ-баллон ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш, АКТ, қадоқлаш материаллари, тўқимачилик ва тўқимачилик қурилмалари, логистика, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотларни чиқариш каби соҳаларда фаолият юритаётган Жанубий Кореянинг йирик компанияларидан келган 60 га яқин вакил, шунингдек, республикамизнинг турли вилоятларида жойлашган йирик корхоналар ва компанияларнинг 150 дан ортиқ вакиллари иштирок этди. Ишбилармонлик учрашуви чоғида икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича масалалар муҳокама қилинди.

*– Биз тўқимачилик соҳасида қўлланиладиган технологиялар, дастгоҳлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарамиз, – дейди* ***«Sejong Engineering» компанияси бош директори Канг Да Сунг (Жанубий Корея).*** *– Тошкентда янги корхона очиш ишларини бошлаб юбордик. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, корхонамизда 50-60 иш ўрни яратилади.*

Тадбир давомида маҳаллий компанияларимиз вакилларига «Эксимбанк» (Корея) томонидан ТИФ Миллий банкига фақат Корея компаниялари қурилмаларини харид қилиш йўлида ажратиладиган кредит линиялари хусусида батафсил маълумот берилди.

Корея Республикаси ишбилармон доиралари делегацияси, шунингдек, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» кўргазма-ярмаркасига, Фарғона вилоятининг «Қўқон» эркин иқтисодий зонасига ҳам бориб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан учрашди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида Кореянинг асосий савдо ҳамкори ҳисобланиб, унинг минтақа давлатлари билан маҳсулот айланмаси ҳажмининг ярмидан ортиғи республикамиз улушига тўғри келади.

Бугунги кунда мамлакатимизга Корея Республикасидан жалб қилинган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 7 млрд. АҚШ долларидан зиёдга етди. Республикамизда Корея капитали иштирокидаги 461 та корхона фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 386 таси қўшма корхона ва 75 таси юз фоиз хорижий сармояга эга корхонадир. Ўзбекистонда 75 та Корея компаниясининг ваколатхонаси аккредитациядан ўтган. Нефть-газ, нефть-кимё ва кимё соҳалари, қазиб чиқариш, машинасозлик, электр техникаси, тўқимачилик, ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт ва логистика, туризм, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва шу каби йўналишлар юртимизда иш олиб бораётган Корея компаниялари фаолиятининг асосий йўналишлари сирасига киради.

*Жасур* ***МИРЗАЕВ.***

# Халқаро тажриба алмашув

**Пойтахтимизда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг тадбиркорлари ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) экспертлари иштирокида «ЕТТБ ва кичик бизнес субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги механизмлари» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Маҳаллий хусусий сектор вакилларини кредит ва грант маблағларини ажратиш шартларига оид маълумотлар билан таъминлаш, хусусан, Ўзбекистонда ЕТТБ томонидан инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларидан хабардор қилиш мақсадида ташкил этилган тадбирда, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Унда ЕТТБ вакиллари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун қатор тақдимотлар ўтказилиб, «Хусусий сектор учун маслаҳат», «Кредит линиялари ёрдамида молиялаштириш», «ЕТТБ билан ҳудудий ҳамкорликни муҳокама қилиш» каби йўналишларда маслаҳат сессиялари ташкил этилди.

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесга маблағларни тақдим этиш, минтақавий савдо ва интеграллашувни ривожлантириш каби мавзулар ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Қайд этиш керакки, ЕТТБ Марказий Осиёдаги энг йирик институционал инвестор ҳисобланиб, бугунги кунда иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришга доир инфратузилмадан тортиб, қишлоқ хўжалигигача бўлган турли секторлардаги лойиҳаларга қарийб 11,6 млрд. евро (12,3 млрд. АҚШ доллари) киритди.

Ўзбекистонга эса банк томонидан 894 млн. евро ҳажмида сармоя жалб қилинди. Мамлакатдаги лойиҳаларнинг 8 млн. евро қийматига тенг жорий портфели бошқаруви Тошкент ва Лондонда амалга оширилади.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан имзоланган ўзаро англашув Меморандумида салоҳиятли ҳамкорлик соҳалари белгилаб берилган. Жумладан, кичик ва ўрта корхоналар учун маслаҳат бериш ва молиялаштириш хизматлари эҳтимолий дастури, трансчегаравий савдо ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган савдони молиялаштириш дастури, жумладан, технологиялар ва ноу-хаулар алмашувини таъминлаш имконини берадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали ўзбек иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва бошқалар белгиланган.

Ўзбекистон бўйича ЕТТБ бошқарувчи директори томонидан тасдиқланган, Сенат раисининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари бўйича биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев таъкидлаганидек: «Мамлакат ва банк ўртасидаги муносабатларнинг янгиланиш ҳолати халқаро жамият, ҳамкорларимиз томонидан икки томонлама асосда жуда яхши қабул қилинди. Бугунги кунда биз банк ҳамкорлигида Ўзбекистондаги лойиҳаларни молиялаштиришга тайёрлигини билдирган кўплаб ЕТТБ донор-мамлакатлари билан келишувларга эгамиз».

*Эъзоз* ***КАМОЛОВА.***

# Жаҳон банки вакиллари билан учрашув

**Ўзбекистон ҳукуматининг топшириғига биноан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида Жаҳон банкининг ижтимоий ҳимоя комиссияси билан учрашув ўтказилди.**

Унда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги раҳбарияти ҳамда Жаҳон банки вакиллари Мануэль Салазар, Иҳшан Ажвад, Олесий Случинский ва Татьяна Шиң иштирок этди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ахборот хизматидан маълум қилишларича, учрашувда ижтимоий ҳимоя соҳасида стратегик устуворликни муҳокама қилиш, мамлакатда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими доирасида фаолиятни кучайтириш ва кенгайтириш учун имкониятларни ўрганиш, шунингдек, потенциал ҳамкорлик ва техник кўмаклашиш борасидаги масалалар атрофлича кўриб чиқилган.

# ОТБ кредитлари – энергетика соҳасини модернизациялашга

**Осиё тараққиёт банки 2018-2022 йиллар давомида Ўзбекистонга 2,29 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратади. Шундан 750 млн. доллари республикамиз энергетика соҳасини модернизациялашга йўналтирилиши режалаштирилган. Бу ҳақда ОТБ матбуот хизмати маълум қилди.**

Мазкур муассасанинг оддий капитал ресурсларидан уч йил давомида 1,54 млрд. доллар, Осиё тараққиёт фондининг имтиёзли маблағларидан эса 750 млн. доллар йўналтирилади.

Маълум бўлишича, мамлакатимиз энергетика соҳасини модернизациялаш учун ажратиладиган кредит маблағлари иссиқлик ва гидроэлектростанцияларни ҳамда электр узатиш линияларини реконструкция қилиш учун жалб қилинади. Шу билан бирга, транспорт инфратузилмаси ва сув таъминоти тизими қурилишига 790 млн. доллардан зиёд маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

*Бекзод* ***АКРОМОВ*** *тайёрлади.*

## Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси 2017 йил 6 ноябрдан 10 ноябргача бўлган биржа (ички бозор) нархлари котировкаси

| Маҳсулотларнинг номи | Жорий котировка* (сўмда тон-наси учун) | Нархлардаги ўзгаришлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| Автобензин АИ-80 | 3 662 776 | ▼ | -50 766 | -1,4% |
| Автобензин АИ-91 | 5 332 000 | ▲ | 995 886 | 23,0% |
| Азотли-олтингугурт ўғит (қопда) | 706 620 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Азот-фосфор ўғит (қопда) | 847 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Аммиакли селитра кальцийли (қопда) | 795 306 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Аммофос 46:10 (қадоқланмаган) | 1 757 712 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Арматура 25 ст 35 ГС | 7 080 977 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Қурилиш битуми БН 90/10 | 3 866 011 | ▼ | -83 081 | -2,1% |
| Дизель ёқилғиси | 5 780 996 | ▲ | 235 023 | 4,2% |
| Қурилишга оид оҳак (қадоқланмаган) | 1 220 000 | ▲ | 102 353 | 9,2% |
| Карбамид (қопда) | 627 500 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Квадрат 20 ст 3 СП | 4 139 638 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Техник керосин | 5 516 667 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Озиқ-овқат сирка кислотаси 70% | 3 231 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Нефть кокси | 593 583 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Қумоқланмаган омухта ем | 2 710 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ем аралашмаси | 630 485 | ▲ | 16 056 | 2,6% |
| Доира 100 ст 3 СП | 2 589 995 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Линт 1-нав тип Б (класс олий) | 4 068 999 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Линт 2-нав тип Б (класс олий) | 3 402 666 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Зангламайдиган лист х.к. AISI 304.304L 4X1250X2500 мм | 60 000 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л | 5 096 932 | ▲ | 451 706 | 9,7% |
| Саноат мойи И-50А (литр) | 12 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Мотор мойи Havoline Ultra S 5w30 (литр) | 42 500 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Писта ёғи ПЭТ 4,75 (литр) | 10 500 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Гидроизоляцион том ёпиш битум-полимер мастика | 4 850 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Рулонли гидроизоляцион том ёпиш материа-ли (дона) | 140 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Мис ўрамаси | 57 182 505 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Буғдой уни 1-нав | 948 290 | ▲ | 64 009 | 7,2% |
| Буғдой уни олий нав | 1 350 751 | ▲ | 81 679 | 6,4% |
| Хўжалик совуни 70% (дона) | 1 964 | ▲ | 315 | 19,1% |
| Натрий бикарбонат – ош содаси 1-нав (қопда) | 2 879 760 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Нефть парафини | 6 500 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Полипропилен J320 | 11 959 197 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Полиэтилен F-0120 | 12 151 641 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда) | 374 084 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Сим 6,3 ст 3 | 12 046 855 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ем учун дон 3-класс | 880 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ем учун дон 4-класс | 787 348 | ▼ | -56 | -0,01% |
| Ем учун дон 5-класс | 727 783 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Шакар | 4 319 910 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Суюлтирилган газ | 1 807 189 | ▲ | 77 169 | 4,5% |
| Мойли солидол смазка | 11 600 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Кальцийлаштирилган сода (қопда) | 1 021 523 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Техник туз | 215 000 | ▲ | 25 000 | 13,2% |
| Алюминий қотишмалари АК7 | 16 744 444 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пўлат тунука г.к 6х1500х6000 | 7 350 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пўлат сим ВР-1 д 5мм | 6 900 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм | 35 117 | ▼ | -3 360 | -8,7% |
| Шишали банка 3 л (дона) | 1 347 | ▼ | -36 | -2,6% |
| Сульфат аммоний (қадоқланмаган) | 424 320 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Калий сульфати (қадоқланмаган) | 5 673 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Суперфосфат (қадоқланмаган) | 487 806 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Труба 20х2,8 (метр) | 12 620 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пўлат квадрат труба 100х100–4,0 мм (метр) | 101 824 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Бурчак 30 ст 3 СП | 5 375 799 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Кўмир СССШ-13 | 265 058 | ▲ | 14 569 | 5,8% |
| Швеллер 16 | 8 400 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пахта чигити шелухаси | 495 584 | ▲ | 1 687 | 0,3% |
| Шифер 8 тўлқинли | 34 005 | ▼ | -5 018 | -12,9% |
| Шрот (кунгабоқар) | 1 250 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Шрот (соя) | 5 800 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пахта чигити шроти (кунжараси) | 998 205 | ▲ | 4 670 | 0,5% |
| Арпа | 727 165 | ▲ | 43 550 | 6,4% |

** Маҳсулотлар котировкаси охирги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охирги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.*

*Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнгги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варағидан чиқарилади.*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 14 ноябрдан бошлаб ўрнатилган хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан расмий курси

| Валюта номи | Курс | Курсдаги ўзгаришлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| 1 АҚШ доллари | 8 069,29 | ▲ | 1,67 | 0,02% |
| 1 Евро | 9 403,14 | ▲ | 35,83 | 0,38% |
| 1 Россия рубли | 136,26 | ▼ | -0,36 | -0,26% |
| 1 Хитой юани | 1 214,23 | ▼ | -2,61 | -0,21% |
| 1 Чехия кронаси | 368,31 | ▲ | 3,33 | 0,91% |
| 1 Венгрия форинти | 30,19 | ▲ | 0,03 | 0,10% |
| 1 Ҳиндистон рупийси | 123,60 | ▼ | -1,08 | -0,87% |
| 1 Эрон риали | 0,23 | – | 0 | 0% |
| 1 Исроил шекели | 2 275,03 | ▼ | -24,94 | -1,08% |
| 1 Япония иенаси | 70,99 | ▲ | 0,43 | 0,61% |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 24,26 | ▲ | 0,18 | 0,75% |
| 1 Жанубий Корея вони | 7,20 | ▼ | -0,03 | -0,41% |
| 1 Кувайт динори | 26 675,34 | ▲ | 23,14 | 0,09% |
| 1 Қирғизистон соми | 115,95 | ▼ | -0,73 | -0,63% |
| 1 Малайзия ринггити | 1 928,15 | ▲ | 24,74 | 1,30% |
| 1 Канада доллари | 6 359,28 | ▲ | 40,66 | 0,64% |
| 1 Сингапур доллари | 5 927,64 | ▲ | 14,26 | 0,24% |
| 1 Швейцария франки | 8 097,63 | ▲ | 36,46 | 0,45% |
| 1 БАА дирҳами | 2 196,92 | ▲ | 0,21 | 0,01% |
| 1 Миср фунти | 457,31 | ▼ | -0,82 | -0,18% |
| 1 Англия фунт стерлинги | 10 585,29 | ▲ | 39,30 | 0,37% |
| 1 Австралия доллари | 6 179,46 | ▲ | 3,70 | 0,06% |
| 1 Туркманистон манати | 2 308,81 | ▲ | 0,35 | 0,02% |
| 1 янги турк лираси | 2 091,36 | ▲ | 11,27 | 0,54% |
| 1 СДР | 11 326,06 | ▼ | -2,49 | -0,02% |
| 1 Афғонистон афғониси | 117,70 | ▼ | -0,59 | -0,50% |
| 1 Тожикистон сомониси | 918,01 | ▲ | 1,08 | 0,12% |
| 1 Беларусь рубли | 4 071,29 | ▲ | 1,87 | 0,05% |
| 1 Болгария леви | 4 808,87 | ▲ | 18,41 | 0,38% |
| 1 Бангладеш такаси | 99,69 | ▼ | -0,13 | -0,13% |
| 1 Украина гривнаси | 304,62 | ▲ | 5,26 | 1,76% |
| 1 Грузия лариси | 3 062,93 | ▼ | -40,00 | -1,29% |
| 1 Польша злотийси | 2 223,25 | ▲ | 17,23 | 0,78% |
| 1 Бразилия реали | 2 461,80 | ▲ | 27,61 | 1,13% |

## ЎзРВБ савдоларида АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси динамикаси

| Сана | USD/UZS | | |
|---|---|---|---|
| | курс | ўзгариш | ўзгариш (%) |
| 2017 йил 16 октябрь | 8060,00 | 3,0 | 0,04% |
| 2017 йил 17 октябрь | 8066,00 | 6,0 | 0,07% |
| 2017 йил 18 октябрь | 8071,00 | 5,0 | 0,06% |
| 2017 йил 19 октябрь | 8075,00 | 4,0 | 0,05% |
| 2017 йил 20 октябрь | 8082,00 | 7,0 | 0,09% |
| 2017 йил 23 октябрь | 8079,00 | -3,0 | -0,04% |
| 2017 йил 24 октябрь | 8078,00 | -1,0 | -0,01% |
| 2017 йил 25 октябрь | 8084,00 | 6,0 | 0,07% |
| 2017 йил 26 октябрь | 8077,00 | -7,0 | -0,09% |
| 2017 йил 27 октябрь | 8074,00 | -3,0 | -0,04% |
| 2017 йил 30 октябрь | 8070,00 | -4,0 | -0,05% |
| 2017 йил 31 октябрь | 8064,00 | -6,0 | -0,07% |
| 2017 йил 1 ноябрь | 8069,00 | 5,0 | 0,06% |
| 2017 йил 2 ноябрь | 8070,00 | 1,0 | 0,01% |
| 2017 йил 3 ноябрь | 8068,00 | -2,0 | -0,02% |
| 2017 йил 6 ноябрь | 8068,00 | 0 | 0% |
| 2017 йил 7 ноябрь | 8065,00 | -3,0 | -0,04% |
| 2017 йил 8 ноябрь | 8069,00 | 4,0 | 0,05% |
| 2017 йил 9 ноябрь | 8070,00 | 1,0 | 0,01% |
| 2017 йил 10 ноябрь | 8073,00 | 3,0 | 0,04% |
| 2017 йил 13 ноябрь | 8084,00 | 11,0 | 0,14% |

***Ахборот ва статистика бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси (www.uzex.uz), ЎзР Марказий банки (www.cbu.uz) ва ЎзР Валюта биржаси (www.uzrvb.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.***

## «Тошкент» РФБ нархлари индекси

| Сана | Нарх | Ўзгариш | ҚҚ сони (бирликда) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| **UCI** | | | | |
| 10.11.2017 | 994,16 | 0 | 849 | 1 698 000 |
| 09.11.2017 | 994,16 | 0 | 5 555 556 | 5 000 000 |
| 08.11.2017 | 994,16 | ▲ 0.22 | 12 010 845 | 121 569 940 |
| 07.11.2017 | 993,94 | 0 | 780 000 | 702 000 |
| 06.11.2017 | 993,94 | 0 | 1 014 873 | 914 963 000 |
| 03.11.2017 | 993,94 | 0 | 11 318 | 9.617 190 |
| 02.11.2017 | 993,94 | 0 | 40 | 182 000 |
| 01.11.2017 | 993,94 | ▲ 3.43 | 11 595 | 19 696 500 |
| 31.10.2017 | 990,51 | 0 | 42 | 1 050 000 |
| 30.10.2017 | 990,51 | 0 | 0 | 0 |
| **Молия сектори** | | | | |
| 10.11.2017 | 973,48 | 0 | 0 | 0 |
| 09.11.2017 | 973,48 | 0 | 5 555 556 | 5 000 000 |
| 08.11.2017 | 973,48 | ▲ 0.32 | 12 009 910 | 120 260 940 |
| 07.11.2017 | 973,16 | 0 | 780 000 | 702 000 |
| 06.11.2017 | 973,16 | 0 | 1 014 873 | 914 963 000 |
| 03.11.2017 | 973,16 | 0 | 9 658 | 1 496 990 |
| 02.11.2017 | 973,16 | 0 | 0 | 0 |
| 01.11.2017 | 973,16 | 0 | 11 545 | 19 626 500 |
| 31.10.2017 | 973,16 | 0 | 0 | 0 |
| 30.10.2017 | 973,16 | 0 | 0 | 0 |
| **Саноат** | | | | |
| 10.11.2017 | 1 046,55 | 0 | 0 | 0 |
| 09.11.2017 | 1 046,55 | 0 | 0 | 0 |
| 08.11.2017 | 1 046,55 | 0 | 0 | 0 |
| 07.11.2017 | 1 046,55 | 0 | 0 | 0 |
| 06.11.2017 | 1 046,55 | 0 | 0 | 0 |
| 03.11.2017 | 1 046,55 | 0 | 0 | 0 |
| 02.11.2017 | 1 046,55 | 0 | 40 | 182 000 |
| 01.11.2017 | 1 046,55 | 0 | 0 | 0 |
| 31.10.2017 | 1 046,55 | 0 | 42 | 1 050 000 |
| 30.10.2017 | 1 046,55 | 0 | 0 | 0 |
| **Қурилиш сектори** | | | | |
| 10.11.2017 | 835,48 | 0 | 0 | 0 |
| 09.11.2017 | 835,48 | 0 | 0 | 0 |
| 08.11.2017 | 835,48 | 0 | 935 | 1 309 000 |
| 07.11.2017 | 835,48 | 0 | 0 | 0 |
| 06.11.2017 | 835,48 | 0 | 0 | 0 |
| 03.11.2017 | 835,48 | 0 | 0 | 0 |
| 02.11.2017 | 835,48 | 0 | 0 | 0 |
| 01.11.2017 | 835,48 | ▲ 51.16 | 50 | 70 000 |
| 31.10.2017 | 784,32 | 0 | 0 | 0 |
| 30.10.2017 | 784,32 | 0 | 0 | 0 |
| **Агросаноат мажмуаси** | | | | |
| 10.11.2017 | 1 361,84 | 0 | 849 | 1 698 000 |
| 09.11.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 08.11.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 07.11.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 06.11.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 03.11.2017 | 1 361,84 | 0 | 1 400 | 5 520 200 |
| 02.11.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 01.11.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 31.10.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 30.10.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| **Ижтимоий соҳа** | | | | |
| 10.11.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 09.11.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 08.11.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 07.11.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 06.11.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 03.11.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 02.11.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 01.11.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 31.10.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 30.10.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| **Бошқа соҳалар** | | | | |
| 10.11.2017 | 1 445,36 | 0 | 0 | 0 |
| 09.11.2017 | 1 445,36 | 0 | 0 | 0 |
| 08.11.2017 | 1 445,36 | 0 | 0 | 0 |
| 07.11.2017 | 1 445,36 | 0 | 0 | 0 |
| 06.11.2017 | 1 445,36 | 0 | 0 | 0 |
| 03.11.2017 | 1 445,36 | 0 | 260 | 2 600 000 |
| 02.11.2017 | 1 445,36 | 0 | 0 | 0 |
| 01.11.2017 | 1 445,36 | 0 | 0 | 0 |
| 31.10.2017 | 1 445,36 | 0 | 0 | 0 |
| 30.10.2017 | 1 445,36 | 0 | 0 | 0 |

## «Тошкент» РФБ савдолари якуни

| Сана | Эмитент | Май-дон | Савдо нархи | ҚҚ сони | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 07.11.2017 | «Ипотека-банк» АТИБ | G1 | 0,9 | 780 000 | 702 000 |
| 07.11.2017 | «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | G1 | 20 | 176 | 3 520 |
| 07.11.2017 | «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | G1 | 20 | 11 219 | 224 380 |
| 07.11.2017 | «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | G1 | 20 | 36 705 | 734 100 |
| 07.11.2017 | «Олмалиқ КМК» АЖ | G1 | 4 052 | 2 | 8 104 |
| 07.11.2017 | «Олмалиқ КМК» АЖ | G1 | 4 051 | 100 | 405 100 |
| 07.11.2017 | «Олмалиқ КМК» АЖ | G1 | 4 030 | 24 | 96 720 |
| 07.11.2017 | «Олмалиқ КМК» АЖ | G1 | 4 025 | 238 | 957 950 |
| 08.11.2017 | АТ «Алоқабанк» | G1 | 121 | 1 440 | 174 240 |
| 08.11.2017 | «Қизилқумцемент» АЖ | NC | 1 400 | 935 | 1 309 000 |
| 08.11.2017 | «Ипак йўли» АИТБ | G1 | 10,2 | 5 000 | 51 000 |
| 08.11.2017 | «Ипак йўли» АИТБ | G1 | 10,2 | 5 000 | 51 000 |
| 08.11.2017 | «Олмалиқ КМК» АЖ | G1 | 4 030 | 100 | 403 000 |
| 08.11.2017 | «Олмалиқ КМК» АЖ | G1 | 4 025 | 4 | 16 100 |
| 08.11.2017 | «Ипак йўли» АИТБ | G1 | 10 | 5 000 | 50 000 |
| 08.11.2017 | «Ипак йўли» АИТБ | G1 | 10 | 5 000 | 50 000 |
| 08.11.2017 | «Ипак йўли» АИТБ | G1 | 10 | 11 988 470 | 119 884 700 |
| 09.11.2017 | «Ипотека-банк» АТИБ | G1 | 0,9 | 30 000 | 27 000 |
| 09.11.2017 | «Ипотека-банк» АТИБ | G1 | 0,9 | 5 525 556 | 4 973 000,40 |
| 10.11.2017 | «Amubuxorokanalqurilish» АЖ | G1 | 2 000 | 849 | 1 698 000 |
| 13.11.2017 | «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ | G1 | 119,25 | 50 000 | 5 962 500 |

**САВДОЛАР ҲАЖМИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| | | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|
| № БИ - 00443 | «Kapital-Depozit» МЧЖ | 1 893 698 300 |
| № БИ - 00446 | «OSIYO SARMOYA DEPO» МЧЖ | 239 971 400 |
| № БИ - 00447 | «Mulk-Sarmoya Brokerlik uyi» АЖ | 63 049 604 |
| № БИ - 00450 | «BBD» МЧЖ | 62 668 613 |
| № БИ - 00453 | «FULL STOCK GROUP» МЧЖ | 48 816 000 |
| № БИ - 00472 | «NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ | 44 838 900 |
| № БИ - 00434 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | 41 654 942 |
| № БИ - 00442 | «HAMKOR DEPO INVEST» МЧЖ | 37 470 475 |
| № БИ - 00454 | «Portfolio Investments» МЧЖ | 36 555 813 |
| № БИ - 00382 | «DALAL STANDARD» МЧЖ | 27 628 200 |

**БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| | | Битимлар сони (бирликда) |
|---|---|---|
| № БИ - 00443 | «Kapital-Depozit» МЧЖ | 38 |
| № БИ - 00472 | «NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ | 31 |
| № БИ - 00382 | «DALAL STANDARD» МЧЖ | 29 |
| № БИ - 00447 | «Mulk-Sarmoya Brokerlik uyi» АЖ | 29 |
| № БИ - 00434 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | 27 |
| № БИ - 00450 | «BBD» МЧЖ | 19 |
| № БИ - 00454 | «Portfolio Investments» МЧЖ | 17 |
| № БИ - 00462 | «TSIAR DEPO» МЧЖ | 16 |
| № БИ - 00442 | «HAMKOR DEPO INVEST» МЧЖ | 9 |
| № БИ - 00439 | «ТошИнвестКом» ХК | 8 |

**БИТИМЛАР АЙЛАНМАСИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| Эмитент | Номинал қиймати (сўмда) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|
| «Туркистон» ХАТБ | 1 000 | 915 213 000 |
| «Ипак йўли» АИТБ | 10 | 120 086 700 |
| «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | 1 999 | 48 470 400 |
| ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | 155 | 30 992 715 |
| «Электрқишлоққурилиш» АЖ | 5 000 | 30 654 000 |
| «Олчазор Азия» АЖ | 5 000 | 29 100 000 |
| «Ипотека-банк» АТИБ | 1 | 23 996 308 |
| «Туронбанк» АТБ | 1 700,00 | 19 626 500 |
| «Гранит» АЖ | 2178,57 | 11 700 000 |
| «BGSQ» АЖ | 500,00 | 10 584 000 |

**БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| Эмитент | Номинал қиймати (сўмда) | Битимлар сони (бирликда) |
|---|---|---|
| «Олчазор Азия» АЖ | 5 000 | 24 |
| «Олмалиқ КМК» АЖ | 3 914 | 21 |
| «Қизилқумцемент» АЖ | 1 570 | 13 |
| «Ипотека-банк» АТИБ | 1 | 12 |
| «Электрқишлоққурилиш» АЖ | 5000 | 7 |
| «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | 1 999 | 7 |
| ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | 155 | 5 |
| «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | 19 | 5 |
| «Ипак йўли» АИТБ | 10 | 5 |
| «Туркистон» ХАТБ | 1 000 | 4 |

*Ахборот ва статистика бўлими томонидан «Тошкент» РФБ (www.uzse.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.*

# Тадбиркор аёлларга имкониятлар яратилмоқда

**Йирик тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, инвесторлар, экспорт бўйича соҳа мутахассислари иштирокида 13-19 ноябрь кунлари мамлакатимизда илк маротаба «Глобал тадбиркорлик ҳафталиги» ўтказилмоқда.**

Ҳафталик давомида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ҳам қатор тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Пойтахтимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қизиқиш билдираётган хотин-қизларни тажрибали ишбилармон аёлларга бириктириш, шунингдек, бу борада юзага келаётган масалаларни атрофлича ўрганишга қаратилган йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар давлат солиқ, статистика, адлия, савдо-саноат палатаси бошқармалари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши, тадбиркор хотин-қизлар, партия фаоллари, иш билан банд бўлмаган аёллар иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Йиғилишда мазкур ҳужжатлар мазмун-моҳияти, аёлларнинг инновацион тадбиркорлиги хусусида сўз юритилди. Янгидан ўз ишини бошлаётган хотин-қизларнинг бизнес-режаларини тайёрлашга кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олиш ва ҳуқуқий билимини бойитиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Туманлардаги «ягона дарча» марказлари томонидан рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари фаолияти, маҳаллаларда уюшмаган ёшлар, ишсиз аёллар билан олиб борилаётган тарғибот ишлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

*ЎзА.*

# «Ўзбекинвест»: октябрь ойида тўланган қопламалар

**«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан жорий йилнинг октябрь ойида мижозлардан келиб тушган 407 та суғурта ҳодисаси бўйича даъволар кўриб чиқилиб, жами 4,4 млрд. сўм миқдорида суғурта қопламалари тўлаб берилди.**



Бунда суғурта даъволарининг 65 фоизи юридик шахслардан келиб тушган бўлса, 35 фоизи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу даврда амалга оширилган суғурта қопламалари сирасига қурилиш-монтаж қалтисликларини суғурталаш бўйича етказилган зарарларни қоплаб бериш учун Тошкент шаҳрида нефть-газ соҳасида фаолият юритувчи корхонага 308 млн. сўм, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи корхона ходимига иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси доирасида 353 млн. сўм ҳажмида суғурта қопламалари тўланди.

Шундай қилиб, жорий йил бошидан буён «Ўзбекинвест» ЭИМСК ўз мижозларига жами 16,3 млрд. сўм суғурта қопламаларини тўлаб берди.

*Ширин БАЙСЕНОВА.*

# Ўзбекистон – АҚШ: ўзаро логистика ва божхона масалалари муҳокамаси

**Ўтган йилда Ўзбекистон – Америка қўшма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосида ўзаро маҳсулотлар айланмаси 70 фоизга ошиб, 454 млн. АҚШ долларига етказилди. Бугунги кунда мамлакатимизда Америка капитали иштирокидаги 164 та корхона фаолият юритади. Миллий иқтисодиётимизга киритилган АҚШ инвестицияларининг ҳажми эса 1 млрд. доллардан ошади.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Америка – Ўзбекистон савдо палатаси ҳамкорлигида республикамизнинг барча вилоятларида фаолият юритувчи тадбиркорлар учун ташкил этилган видеоанжуманда дастлаб ушбу ҳамкорликдаги алоқалар самаралари сарҳисоб қилиниб, икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий муносабатларни ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакат аҳолиси учун қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорларни ҳамёнбоп ва сифатли қайта ишланган маҳсулотлар билан янада бойитиш, уларнинг аҳоли эҳтиёжларидан ортиқ қисмини хорижга экспорт қилиш ҳажмини ошириш ва шу орқали қишлоқларда аҳолининг томорқа майдонларидан самарали фойдаланишини рағбатлантириб, улар турмуш даражасини юксалтириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Тадбирда шулар хусусида сўз бориб, бу борада Ўзбекистон ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта тажриба ҳамда юксак салоҳиятга эгалиги алоҳида қайд этилди.

Ишбилармонлик учрашуви давомида АҚШга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича логистика ва божхона масалалари, бу борадаги муаммолар муҳокама этилди. Икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари ўрганилди.

*Наргиз АҲМЕДОВА.*

# Енгил саноат мажмуасида йилига 50 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинади

**Наманганда «Uztex» компаниялари гуруҳининг «Uztex Uchkurgan» қўшма корхонаси иш бошлади**



Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ, «Uztex» компаниялари гуруҳи ва иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўқимачилик саноати корхоналари ва хорижий ҳамкор компаниялар вакиллари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида саноатни ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида енгил саноат тармоғида экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар тобора кўпайиб бораётгани таъкидланди.

Буни Наманган вилоятида жорий йилнинг 9 ойида ишлаб чиқарилган 2,8 трлн. сўмлик саноат маҳсулотининг 34 фоизи енгил саноат тармоғига тўғри келаётгани ёки бу экспорт ҳажмининг 48,5 фоизини ташкил қилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

*– Ўзбекистонда енгил саноат, айниқса тўқимачилик саноатининг истиқболи порлоқ, – дейди* ***Швейцариянинг «Rieter» компанияси президенти Рето Том.*** *– Чунки мамлакатингизда барча соҳалар ривожи учун зарур шароит, қулай табиий иқлим, хомашё, энергия манбалари, меҳнат ва бошқа ресурслар етарли. Айниқса, давлат раҳбари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор бу борада муҳим омилдир. Бу мазкур йирик корхонанинг ишга туширилишида ҳам ўз ифодасини топди.*

«Uztex Uchkurgan» Ўзбекистон – Буюк Британия – Сингапур қўшма корхонаси юртимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Бу йирик лойиҳа «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури»га асосан амалга оширилди. Лойиҳанинг биринчи босқичида «Uchkurgan Textile» МЧЖ ишга туширилган эди.

Унинг узвий давоми сифатида «Uztex Uchkurgan» ип йигирув ва тўқув корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Ҳар икки корхонани ўз ичига олган мажмуа замонавий усулда пахта ва аралаш толадан ип-калава, момиқ мато ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

16 гектар майдонни эгаллаган енгил саноат мажмуасини қуриш, замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлашга қарийб 120 млн. доллар маблағ йўналтирилди. Мамлакатимиздаги энг йирик тўқимачилик мажмуаси бўлган ушбу корхонада йилига 16 500 тонна ип-калава ҳамда 7 минг тонна момиқ мато ишлаб чиқарилади. 1000 дан зиёд киши меҳнат қилаётган йигирув-тўқув мажмуасининг йиллик экспорт салоҳияти 50 млн. долларни ташкил этади.

*ЎзА материали асосида.*



# Лондон молиявий тармоғи сафи қисқариши кутилмоқда

**Англия банки таҳлилчилари хулосасига кўра, Буюк Британия Европа Иттифоқи (ЕИ) таркибидан чиқиб кетиши оқибатида Лондоннинг молиявий тармоғи 2019 йилда тахминан 75 мингта иш ўрнини йўқотиши мумкин.**



Экспертлар мазкур ҳолатда иш ўрнининг йўқотилиши табиий ҳол эканлигини, айниқса, Буюк Британия ЕИни савдо келишувисиз тарк этиши шундай оқибатларга олиб келишини қайд этмоқда. «BBC» берган хабарга асосан таҳлилчиларнинг мазкур масала юзасидан тақдим этган башорати «Oliver Wyman» консалтинг компанияси томонидан тайёрланган башоратга ўхшаб кетади. Унга кўра, «Brexit» оқибатида Лондон молиявий тармоғида 35 мингта, бошқа турли тармоқлар, жумладан, юридик хизматлар доирасида 30-40 мингта иш ўрни йўқотилиши кутилмоқда.

Американинг «MarketWatch» нашрида ёзилишича, Буюк Британия мазкур йирик бирлашма таркибидан савдо келишувисиз чиқиб кетган тақдирда банклар, бошқарувчи компаниялар ва суғуртачилар ЕИ ҳудудида амалиётларни юритиш, хусусан, ўз маҳсулот ва хизматларини тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Хорижий банклар, жумладан, Швейцария, АҚШ ва Хитойнинг айрим банклари бугунги кунда Лондонда ўз идораларига эга бўлиб, улар орқали бутун Европа бўйлаб амалиётларни амалга ошириб келмоқда. Бироқ, «Brexit»дан сўнг бу имкониятдан маҳрум бўлиши кутилмоқда.

Аксарият молиявий компаниялар «кескин Brexit»га тайёргарлик кўраётган бўлиб, Европа давлатларининг бошқа шаҳарларида ўз идораларини ташкил этиш, жумладан, Лондондаги ишчи ходимларини Франкфуртга кўчиришни мўлжалламоқда.

# Туркиялик тадбиркорлар «All Inclusive»га қарши

**Туркиялик тадбиркорлар «барчаси ичида» («all inclusive») тизимидан воз кечиш бўйича таклифни илгари сураяпти. «Sozcu» нашрида ёзилишича, Туркия савдогарлари ва ҳунармандлари Конфедерацияси («TESK») раҳбари Бендеви Паландокен ушбу тизим туризмдан тўлақонли даромад кўришга йўл бермаслигини қайд этган.**

Мазкур ташаббус муаллифларининг фикрича, бундай қадам хорижий сайёҳларга мамлакат билан яқиндан танишиш имконини кенгайтириб, иқтисодиётни янада яхшилашга олиб келади. «Барчаси ичида» тизими мамлакатда 90-йилларда кенг тарқалган бўлиб, Туркиянинг деярли барча дам олиш ҳудудларида қўлланилади. «Айни пайтда мазкур хизматнинг тарқалиши мамлакат туризмдан энг кўп даромад топадиган бешталик таркибидан ўрин эгалламаслигига сабаб бўлиши мумкин», дейилади Конфедерация баёнотида. Туркия 2023 йилга бориб мазкур бешталикдан муқим ўринга эга бўлиш ва йилига ўрта ҳисобда 50 млн. нафардан ортиқ сайёҳга хизмат кўрсатишни режалаштирган.




# Хавфсизликни таъминлаш катта қийматга эга

**«International Data Corporation» (IDC) экспертлари башоратига кўра, 2021 йилга бориб хавфсизлик соҳасида қўлланиладиган ускуналар, дастурий таъминот ва хизматларнинг глобал бозордаги ҳажми 119,9 млрд. АҚШ долларига етади.**

Тадқиқотчиларнинг баёнотида қайд этилишича, бугунги кунда қарийб барча соҳаларда хавфсизликни таъминлаш ва тартибга солувчиларнинг талабига жавоб бериш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис 2016-2021 йиллар давомида ушбу мақсадга йўналтириладиган харажатларнинг ўртача ўсиш суръати 9,6 фоизга тенг бўлади.

2017 йил якунига қадар бу харажат ҳажми 10,3 фоиз, яъни 83,5 млрд. долларга кўпайиши кутилмоқда. Айни пайтда ушбу маблағларнинг 80 фоизи хизматлар ва дастурий таъминотларга йўналтирилиши режалаштирилган.

2017 йилдаги харажатларнинг салмоқли улуши тармоқлараро савдо ва хизматлар (19,7 млрд. доллар), давлат тармоқлари (18,6 млрд. доллар), ишлаб чиқариш ва таъминот (16,4 млрд. доллар) ҳамда молиявий тармоққа (16,3 млрд. доллар) ажратилади. 2017 йилда бу борада энг йирик бозор географик жиҳатдан Шимолий Америка ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг ҳажми 37,8 млрд. долларга тенг. Сўнг EMEA – 26,2 млрд. доллар, Осиё-Тинч океани ҳудуди (Япониядан ташқари) – 11,5 млрд. долларга эга бўлади. Келаси беш йилликда хавфсизлик соҳасига сарфланадиган харажатларнинг салмоқли ўсиш суръати инфратузилмалар бўйича кузатилиб, унинг улуши 11,8 фоизга етади. Давлат ташкилотларида, шунингдек, тармоқлараро савдо ва хизматлар соҳасида ушбу кўрсаткич 10,3 фоиз, молия соҳасида эса 10,2 фоизга тенг бўлиши кутилмоқда. Бу борада энг тез ўсиш суръати – 19,9 фоиз Осиё-Тинч океанида (Япониядан ташқари) кузатилади. Жумладан, Хитой (25,3 фоиз) ва Малайзияда (20,1 фоиз) ҳам салмоқли ўсиш қайд этилади. Лотин Америкаси бугунги кунда жаҳон бозорида кузатилаётган ўртача ўсиш суръатидан ўзиб кетган. Яъни ҳисобот даврида бу кўрсаткич 10,4 фоиздан ошиши мумкин.

# ХВФ «NEOM»ни қўллаб-қувватлайди

**Халқаро валюта фонди (ХВФ) Саудия Арабистонининг «NEOM» номи билан юритилувчи, умумий қиймати 500 млрд. АҚШ долларилик бизнес ва саноат ҳудуди қурилиши бўйича тақдим этган режасини маъқуллади. «Reuters» тарқатган хабарга кўра, ушбу ҳудуд Иордания ва Мисргача бўлган майдонни ҳам ўз ичига олиши ва катта даромад келтириши кутиляпти.**




ХВФнинг Яқин Шарқ ҳудуди бўйича бўлим раҳбари Жиҳад Азурнинг айтишича, Ар Риёд катта қийматли бу ва бошқа лойиҳаларни қисқа фурсатда амалга оширган тақдирда нефть маҳсулотлари нархи кескин пасайиши оқибатида давлат бюджетида юзага келган тақчилликни бартараф этиши, шунингдек, савдони мувофиқлаштириши, географик жиҳатдан имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда Яқин Шарққа Осиё ва Европа ўртасида кўприк вазифасини ўташига хизмат қилиши мумкин. Лойиҳани молиялаштиришга Саудия Арабистони ҳукумати ҳамда маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг 500 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағи ажратилиши кўзда тутилган.

«NEOM»да иш кучини ташкил этиш бўйича янгича тамойил, жумладан, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш режалаштирилмоқда. Бир-бирини такрорловчи ёки жисмоний куч талаб этувчи вазифаларни эса роботлар бажаради. Улар сони ҳатто шаҳар аҳолисиникидан кўп бўлиши мумкин.

«NEOM» иқтисодиётида тўққизта соҳа устувор аҳамият касб этади. Рақамли технологиялар, янги энергетика, биотехнологиялар ва медиа соҳалари шулар сирасига киради. Мамлакат ҳукумати вакилларининг фикрича, мазкур тармоқларнинг ривожлантирилиши иқтисодий ўсиш ва диверсификацияни рағбатлантиришга сабаб бўлади.

*Ахборот ва статистика бўлими томонидан интернет материаллари асосида тайёрланди.*

Реклама

Qishloq Qurilish Bank

MOODY'S
INVESTORS SERVICE

*халқаро рейтинг агентлиги*

*«Қишлоқ қурилиш банк»*
*акциядорлик тижорат банки*
*рейтингларини қайта тасдиқлади.*

*Рейтинглар истиқболи –*
*«Барқарор».*

*«Қишлоқ қурилиш банк» –*
*фаровон ҳаётингиз хизматида!*

*Маълумот учун:*
*(+99871) 150-39-93, 150-93-39*
*www.qqb.uz*

Хизматлар лицензияланган.

# Банк ходимлари учун маънавий кеча

**Муқимий номидаги мусиқали драма театрида «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда ижодий кеча ўтказилди.**



Тадбир Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБдаги Етакчилар кенгаши фаоллари ташаббуси билан муассасанинг 400 нафардан зиёд ёш ходими учун ташкил этилди.

Учрашув давомида театр раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов банкнинг ёш мутахассислари билан суҳбатлашар экан, халқимизнинг бой маънавий-маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ёш истеъдодларни камол топтириш борасида кино ва театрнинг ҳиссаси катталигини таъкидлади. Шунингдек, ташкилот ва корхоналар жамоасини бундай маънавий кечаларга жалб қилиш улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Тадбирда актёрлар спектакль ҳамда фильмлардаги роллари, уларни саҳналаштиришда содир бўлган қизиқарли воқеалар ҳақида гапириб бердилар. Банк ёшлари ва театр жамоаси ўртасидаги очиқ мулоқот ўзаро савол-жавоблар билан янада қизиқарли ўтди.

Ижодий учрашув сўнгида театр ижодкорлари томонидан тайёрланган қатор спектакллардан парчалар намойиш этилди. Ўз навбатида, банк ходимлари ҳам актёрларга эсдалик совғалари улашди.

Айтиш жоиз, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ раҳбарияти ходимлар дунёқарашини бойитиш, уларнинг дам олиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида юртимиздаги барча маънавий-маданий масканлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

***Эъзоз КАМОЛОВА.***

БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки*
*«Norma Hamkor» МЧЖ*
*«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ*

БОШ МУҲАРРИР
*А.Н. НАЗАРОВ*
Нашр учун масъул
*З.М. ЭРНАЗАРОВА*
ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ
*«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ*
ДИРЕКТОР
*Р.Л. ВАЛИЕВ*
Газета таҳририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА
ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:
100060, Тошкент ш.,
Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz
Реклама ва эълонлар учун 232-45-32 телефони орқали мурожаат қилинг.
Факс: 232-43-98.
Нашр индекси – 102.

*Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.*
*Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.*
*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан* ***2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами*** *билан рўйхатга олинган.*
*Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.*
Буюртма № г 1189.
Адади 4752 нусха.
*Нархи шартнома асосида.*
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 15.11.2017 й., 9.00.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.** Корхона манзили: **Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**